

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**Қўл ёзма ҳуқуқида
ЎЎТ: 636.1**

Шаюсупов Бобир Боходирович

МАВЗУ: “ўзбек гўшт-жундор кўйлари маҳсулдорлигини
уларнинг ёшига ва озиклантиришга боғлиқлиги”

Муттаҳассислик: 5А410603 “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини
урчитиш кўпайтириш ва уларнинг селекцияси” (Кўйчилик)

Илмий раҳбар: ТошДАУ “Зоотехния” кафедраси
доценти, к.х.ф.н., Ф.Джасимов

МУНДАРИЖА

Кириш.	3
I. Боб. Адабиётлар шархи	8
II. Боб. Тадқиқотлар манбаи ва ўтказиш услублари	25
2.1. N49348 сонли Харбий қисмни ёрдамчи хўжалигини таъриф	25
2.2. Тадқиқотлар манбаи ва ўтказиш услублари	30
III. Боб. Тадқиқотлар натижалари	35
3.1. Хўжаликдаги Ўзбек гўшт-жундор қўйларини сони, жинси, ёши ва таркиби	35
3.2. Ўзбек гўшт-жундор қўйларини тирик вазн динамикаси гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифати	36
3.3. Ўзбек гўшт-жундор қўйларини жун маҳсулдорлиги ва унинг сифати	52
3.4. Қўйларни пуштдорлиги ва сут маҳсулдорлиги	60
3.5. Ўзбек гўшт-жундор қўйларидан маҳсулот ишлаб чиқаришини иқтисодий самарадорлиги	67
Хулоса	68
Тавсия	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	71

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Мустақилликка эришган дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий демократик жамиятини қуриш йўлини танлади ва босқичма босқич амалга ошириб келмоқда. Бу борада

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ва хусусан чорвачилик соҳасида бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодий ислохатларни амалга ошириб аҳолисини талабини юқори сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришга барча имкониятларни яратди ва уларни бажарилишини ҳаётга тадбиқ этишда Республикада қатор фармон, қарор ва қонунлар қабул қилингандан кўрамиз.

Республика президенти И.А.Каримов (1998) таъкидлаганидек барча чорва маҳсулотларини фермер хўжаликлари орқали ишлаб чиқарилади, ва улар республика аҳолисини нафақат талабини қондиришга балки жаҳон андозаларига мос ва рақобатбардош бўлиши зарур. Бугунги кунга келганда бу олиб борилган ишлар ўз самарасини бера бошлади ва Республика аҳолисини озиқ овқатга, енгил саноатини хомашёга бўлган талабини қондириш учун етарли даражада потенциал мавжуд. Бу масалани долзарблигини англаган ҳолда чорвадорларимиз фидойилик қилиб Республикада урчитилаётган қўй эчкиларни сонини 17 миллион бошга етказган, 23 минг тонна жун ишлаб чиқарган ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни ҳамда илғор тажрибаларни киритишга жиддий ёндошмоқда.

Бу ишларни ҳаётга тадбиқ этиб боришда қўйчилик зиммасига катта юк тушмоқда, чунки Ўзбекистонни чўл, ярим чўллар, тоғ ва тоғ олди ҳудудларини иқтисодиётини белгилашда ва жумладан ҳудуд аҳолисини фаровонлигини таъминлашда қўйчилик муҳим ўрин тутди. “Бир қўй бойлик, икки қўй барака, уч қўй-ҳазина” деб юритилаётган сўзлар бежиз эмас. Чўл, ярим чўл тоғ ва тоғ олди ҳудудлардаги яйловларда қўйлар бошқа турдаги хайвонларга кўра жуда яхши кўникиб мослашади ва гўшт, жун, пўстинбоп ва чаримбоп тери етиштирилади.

Бугунги кунда қўйчиликни юритиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш янги тоифадаги хўжаликларда амалга оширилмоқда ва такидлаш заруки бу борада қўйчивонларимиз ҳали етарли тажрибага эга эмас. Шу аснода барча тоифадаги қўйчилик хўжаликларини иш фаолиятини батафсил ўрганиб таҳлил қилиш билан биргаликда қўйларни эрта қўзилатиш ва қўзиларни ўсиш ривожланиши,

парваришланишни жадаллашиб боришни тақазо этади. Бинобарин бу хусусиятларни ўрганиб чиқиб шу асносида сурувларни тўлдириш, таъмирлаш ва шакллантириш ишларини тўғри олиб боришни ҳамда йил давомида бир текис қўй маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради. Бу аснода юритилган қўйчилик жаҳон андозасига мос рақобатбардош малумот бериш билан фарқланади.

Биология фанига асосланиб такидлаш зарурки барча тирик организм ўзининг антогенезида ўсиш, ривожланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ирсий хусусиятларига ҳамда хаётий омилларга боғлиқ. Ирсий хусусиятларни ўрганиш бирмунча қийинчиликларга боғлиқ, аммо хаётий омиллар бу қийинчиликлардан истисно. Шу бойисдан қўйчиликни жадаллаштириш ҳамда йил давомида сурувларни бир меёрда тутта билиш ва юқори сифатли рақобатбардош маҳсулот олиш бевосита барча ёшдаги қўйларни ўсиш ва ривожланиб боришига ҳамда озиклантиришга боғлиқ. Бу ишларни амалга оширишда янги технологияларни қўллаш ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси президенти И.А. Каримов (2009) кўрсатқанидек жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва Ўзбекистонда уни олдини олиш чора тadbирларини амалга ошириб бериш жуда долзарб, чунончи булар негизида сохани барқарор ривожланиши ва маҳсулот ишлаб чиқарилиши ўз аксини топган.

Республика статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган гўшт салмоғини 30 фоизи қўй гўштига тўғри келмоқда, Республикамизнинг айрим вилоятлари ва худудларида, қўй гўштини салмоғи баланд бўлиб 70-75 фоизини ташкил этади. Жун ва тери енгил саноатининг асосий хом ашёси бўлиб чиройли, ихчам рақобатбардош буйимлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Шулар туфайли қўйчиликни ривожлантиришга катта этибор берилмоқда. Соханинг ривожлантирилиши иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш селекция, насилчилик ишларини фермер хўжаликларида ташкил этиш тўғрисидаги Республика ва унинг олий кенгаши томонидан қабул қилинган қонунларда, фармонларида ўз аксини топган.

Республикада барча чорва маҳсулотлари фақат фермер хўжаликлари орқали

етиштирилиши бугунги кунда қўйчилик соҳаси ходимларига катта вазифалар юклатилган ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда соҳада илмий асосланган ҳолда иш юритилиши ва урчитилаётган қўй зотларини генафондини сақлаб қолиш ҳамда такомиллаштириб бориб насил сифатини насилчилик ишларига қатиян роя этишни тақозо этади. Уларни такомиллаштиришга қаратилган селекция усуллари қўлланилади.

Бу ишларни олиб бориш натижасида олимлар томонидан Ўзбекистонда янги сермахсул жун-гўштдор қўйчилиги вужудга келди ва улардан сифатли маҳсулот олишга эришилади. Бу эса аҳолини сифатли озуқалар билан таъминлаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлигида хизмат қилувчи аҳолини турмуш даражасини ва аскарларни соғлом, бақуват бўлиб хизмат даражасини ошириб боришда харбийларга озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда ўзбек гўшт-жундор қўйлари муҳим ўрин тутди. Чунончи бу йўналиш шу ҳудуд аҳолисини озиқ-овқат, хомашё билан таъминлаб бориши билан биргаликда уларни иш жойлари билан ҳам таъмин этиб, оилавий даромадини оширишда ҳам хизмат қилади.

Қайт этган назариялардан келиб чиқиб уларни урчитилишини янада такомиллаштирилишини тақозо этади. Буни инобатга олиб бу қўйларни мавжуд имкониятларини ва маҳсулот ошириш сирларини аниқлаш ва Харбий қисимларда маҳсулот ишлаб чиқаришда улардан самарали фойдаланиш долзарб бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан олиб бориладиган иш айнан бу хусусиятларни инобатга олиб ўзбек гўшт-жундор қўйларни урчитишни такомиллаштириб бориб сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш сирларини ўрганиш уларни ишлаб чиқаришга жорий этиб самарали фойдаланишга ва арзон сифатли маҳсулот етиштиришга асос солинади.

Илмий ишнинг мақсади. И.А. Тапильский (1969), А.А. Юлдашев (1974), С.С. Ходжибеков (1992) олиб борган ишларига таяниб такидлайдики ўзбек гўшт-жундор қўйлари юқори ирсий имкониятлари билан ифодаланади, лекин бу имкониятлар ишлаб чиқаришда тўлиқ ўрганилмаган. Бинобарин қўйчиликда жадал технологияларни қўлаш эвазига бу қўйларни барча маҳсулдорлик кўрсаткичларни оширишга эришиш мумкин.

Шу аснода Тошкент вилоятини Қибрай туманидаги №49348 сонли ҳарбий қисмини ёрдамчи хўжалигидаги қўйчилик фермасида асраб урчитилаётган “Ўзбек гўшт-жундор қўйларни маҳсулдорлиги уларнинг ёшига ва озиклантиришга боғлиқлигини” ўрганиш ва уларни негизида арзон, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш олиб борилаётган тадқиқот ишимизни мақсади бўлиб ҳисобланади.

Бу қайд этилган мақсадга эришиш учун **тадқиқотда** қуйидаги вазифаларни ўрганиши зурур.

1. Ҳарбий хўжалигидаги қўйлар сони, гуруҳлари ва хили бўйича тақсимланиши.
2. Ўзбек гўшт-жундор қўйларни асраш ва озиклантирилиши.
3. Ўзбек гўшт-жундор қўйларни тирик вазн динамикаси гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифати.
4. Ўзбек гўшт-жундор қўйларни жун маҳсулдорлиги ва унинг сифати.
5. Қўйларни пуштдорлиги ва сут маҳсулдорлиги.
6. Ўзбек гўшт-жундор қўйларни урчитишни самарадорлиги.

Илмий ишнинг янгилиги. Илмий тадқиқот иши Тошкент вилояти Қибрай тумани №49348 сонли ҳарбий қисмини ёрдамчи хўжалигини қўйчилик фермасида олиб борилади ва илк бор ўзбек гўшт- жундор қўйларини маҳсулдорлик хусусиятлари уларни ёши ва озуклантиришига боғлиқлиги кенг кўламда ўрганилди.

Илмий ишнинг аҳамияти. Республикаимизнинг қир ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисимларида хизмат кўрсатаётган аскар ва зобитлар ҳамда аҳолиси учун сифатли ва арзон қўй гўштини ярим майин жун буюмларини етиштириш самарали технологияси ва қир минтақаларида ўзбек гўшт-жундор қўйларини урчитилишини авзаллигига асос солинди.

Диссертация ишини баён этилиши, Мазкур иш бўйича қуйидаги мақолалар чоп этилди:

1.Ф.Джасимов., Н.Т.Шаймуродов., З.Сайфуллаева., Х.С. Бобоназаров.

Влияние возраста маток джайдара на показатели продуктивности их ягнят.
“Аграр тармоқ истисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусидаги илмий-амалий конференция 2013

йил 8 ноябрь маърузалари тўплами Б.Б.Шаюсупов. - Тошкент 2013, 201-203 бетлар.

2. Ф.Джасимов., Н.Т.Шаймуродов., З.Сайфуллаева., Х.С. Бобоназаров.

Продуктивность ягнят джайдара разного срока окота и молочности их маток.

“Агро илм” журнали 2014 йил 3- сонидан чоп этилиши режалаштирилган.
55-маълумотнома 2014.10.06 дан.

Диссертация ишини синовдан ўтгани. Илмий тадқиқот ишининг асосий мазмуни Тошкент Давлат аграр Университетининг зоотехния кафедраси мажлисида муҳокама қилинди ва очиқ химояга тавсия этилган (Баённома №10 сони 20 май 2014 йил)

Диссертациянинг таркиби ва хажми. Диссертация иши кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот манбайи унинг таърифи, олиб бориш услублари, тадқиқот натижалари, иқтисодий самарадорлиги шунингдек хулоса, тавсия ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати каби бобларни қамраб олган.

Диссертация 76 бет хажимда компьютерда ёзилган унда 17 та жадвал ва 5 та диаграмма ҳамда фойдаланилган 73 та адабиётлар рўйхати келтирилган шундан 3 таси чет тилидаги адабиётлар бўлиб ҳисобланади.

I. БОБ.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Жаҳон қўйчилигининг тарихидан ва ривожланишидан келиб чиқиб қайд этиш зарурки гўшт- жундор қўйчилиги янги ва жадал ривожланган йўналиш бўлиб инглиз тез етилувчан гўштдор қўйларни маҳаллий дағал ва майин жундор қўйлари билан чатиштириш натижасида вужудга келган. Бу назарияни биз П.Н. Кулешовни (1925-1926) олиб борган тажрибаларидан кўришимиз мумкин. Олим олиб борган кузатув ишларига таяниб қайд этадики гўшт-жундор йўналиши бундан 200-250 йил олдин вужудга келган ва унда иккита инглиз зоти қўйлари жуда муҳим ўрин эгаллаган. Олимни фикрига кўра биринчиси меренос қўй бўлиб янги йўналишга ўзининг жундорлик ирсий хусусиятларини ўтказган. Иккинчиси инглиз тез етиладиган гўштдор қўй бўлиб олинган авлодларга ўз гўштдорлик хусусиятларини ўтказган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу йўналишни янада такомиллаштириб боришга жуда катта аҳамият берилади, чунончи бунинг сабаби энгил саноатни сифатли жунга бўлган талаби тобора ошиб боради. Шу боисдан Англия давлати билан биргаликда бу ишларни олиб боришда Янги Зеландия, Австралия, Аргентина, Уругвай каби давлатларни ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда жаҳонга ишлаб чиқарилаётган жунни миқдори ФАО маълумотларига қараганда 4 млн. Тоннани ташкил этади ва унинг 37-38 фоизи кросебрэд ёки айнан гўшт-жундор йўналишидаги қўйларни зиммасига тушади.

МДХ давлатларида бу йўналиш яқин замонларда вужудга келади. (П.Ф. Кияткин, 1933; С.С. Зденицкий 1915, Г.Ф. Литовчеко, П.А. Есеулов 1972, Д.И. Юдин., В.П.Родин 1983)., А.Н. Николаев, А.Н. Ерохин (1983) ва ҳ.к.) келтирилган олимларнинг ишларидан кўринадики инглиз гўшт-жундор қўйлари Россияга XIX асрнинг иккинчи ярмида келтирилган. 1923 йиллардан бошлаб уларни маҳаллий шароитга кўникиши бўйича тажрибалар ўтказилган.

Жумладан, бу ишларни олиб боришда олимларни фикрига кўра линколин зоти муҳим аҳамиятни эгаллайди. Бу йўналишдаги қўйларни ўзини конституцияси бўйича нимжон кам махсул бўлиб маҳаллий иқлим шароитига ёмон кўниккан ичида қйлар нобуд бўлиш ҳолатлари кузатилган. Бу камчиликларни олдини олиш

бўйича А.В. Васильев (1951) томонидан сабаблари ўрганилади ва уларни баргараф этиш борасида чора тадбирлар ишлаб чиқарилиб такомиллаштириш ишлари давом этирилади. Бу йўналишни барпо этиш 1912 йилларда бошланган. С.С.Зденецкий (1915) келтирилган маълумотларга кўра 1912 йилда Тошкент вилоятида 251 825 бош майин жун берувчи қўйлар урчитилиб сифатли гўшт жун ишлаб чиқарилган.

Е.К.Дейхман (1937) келтирилган маълумотларидан кўринадикки бу йўналиш Ўзбекистонда ҳам тараққий этган ва Фарғона водийсида уларни сони 112 минг бошни ташкил этган.

Муаллифлари фикридан шундай хулоса қилиш мумкинки минтақамиз иқлим шароити майин жун берувчи қўй зотларини урчитишга тўғри келади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини иқтисодиётини белгилашда қўйчилик жуда муҳим ўрин тутди. Қўйчиликдан олинаётган маҳсулотлар (гўшт, ёғ, сут) тўйимлилиги, ҳазм бўлиши ва одам организмни энергия ва куч қувватга бойитиб соғлом бўлишига ҳизмат қилади.

Бу соҳани ўрни ва аҳамиятини англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Чорвачилик илмий тадқиқот институти олимлари 1937 йилдан бошлаб Республикамиз тоғ ва тоғ олди худудларида урчитилаётган ўзбек гўшт-жундор қўйларни такомиллаштириш илмий изланишларини олиб борди. Бунинг натижасида илк бор дурагай қўйлари етиштирилди ва 1956-1960 йилларга келиб самарага эришилди. Бинобарин Паркент, Бўстонлик ва Охангарон туманлари хўжаликларида Ўзбекистон учун умуман янги бўлган гўшт-жундор қўйчилиги вужудга келган.

1967-1969 йилларда Республикадаги чорвачилик кенгашини қабул қилган қарорига биноан бу турдаги қўйлар бирлаштирилган ва ҳозирги кунда Ўзбекистон гўшт-жундор қўйлар деб юритилмоқда.

Бу йўналишдаги қўйчиликни келиб чиқиш ва ривожланишига илк бор П.Н.Кулешов (1926), П.Ф.Кияткин (1964), Ю.Р. Рахимов (1960) каби олимларни эслаб ўтиш жойиздир. Бинобарин уларни фикрига кўра айнан жаҳон қўйчилигида шу йўналишни вужудга келишида инглиз гўштдор қўйлари муҳим ўрин тутган. Е.А. Богдонов (1947) такидлайдики бу йўналишдаги қўйларни йирик танаси ва

кенг мускуллари яхши ривожланган. Гўштини таркибида бириктирувчи тўқималар миқдори кўп ва яхши истемол бўлади.

Республикамизни тоғ, тоғ олди минтақаларида урчитилаётган думбали гўшт-ёғдор жайдари қўйларини гўшт маҳсулдорлиги талаб даражасида бўлсада унинг жундорлиги кам бўлган. Шу асосида бу қўйларни линколин, меринос, рамни марш каби қўйлари билан муккамал чатиштириш ишлари олиб борилган ва унинг натижасида қўйилган талабларга мувофиқ дурагай авлодлар олинган. Бу дурагай авлодлар эса 3 ва 4 бўғимда ўзаро урчитилган, зарурият туғилганда гоҳида қайта инглиз маданий кўчқорлари ишлатилган ва бунинг эвазига бугунги кунда гўшт-жундор қўйлари вужудга келганлигини биз С.Г. Давидов (1960), С.С. Зденицкий (1915), П.Ф. Кияткин (1964), И.А. Топильский (1964), А.А.Юлдашов (1964) каби олимларни ишларидан кўришимиз мумкин.

П.Н. Кулешов (1926) ўз илмий ишларини кузатувларига асосан қайд этганки жаҳон қўйчилигини ривожлантиришга ва маҳсулдорлигини ҳамда сифатини оширишга иккита қўй зоти таъсир кўрсатган. Олимни таъкидлашига кўра бу қўйлар майин жун берувчи қўйлари бўлган.

Гўшт-жундор қўйчилиги XVII асрнинг ўрталарида Англия, янги Зеландия, Австралия, Аргентина, Ургвай каби давлатларида изланиш натижаларида вужудга келади ва бутун жаҳон бўйлаб тараққий этади.

Бугунги кунда ФАО берган маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки жаҳон бўйича ишлаб чиқариладиган жун миқдори 4 млн. тоннага яқин бўлиб ҳисобланади ва жуннинг тахминан 37-38 фоизини айнан шу йўналишдаги қўйлар етказади ва аралаш ёки кроссбред жуни деб юритилади.

Ўзбекистонда МДХ давлатларида бу йўналишдаги илмий изланиш ишларини дастлабки бошланиши 1937 йилларга тўғри келади. Бу ишлар 1960 йилларгача давом этириш натижасида Ўзбекистонда янги йўналиш вужудга келди ва бошқа йўналишларга таққосланганда янги деб ҳисобланади.

Инглиз Майин жунли тез етилувчан гўшт-жундор қўйлари Россия ўлкасида XIX асрни иккинчи ярмидан келтирилган. Бу қўйларни маҳаллий шароитига мослаштириш ишлари 1923 йилдан бошланган.

Олимларни таъкидлашига биноан (Ульянов; Рижов; М.Ф. Иванов; Т.Г. Есаулов; И.А. Тапильский; Цирелдондоников; Медеубенов; Чомуха в.х.к.). Инглиз Майин жунли тез етилувчан гўшт-жундор қўйларни конституцияси нимжон, шароитга кўникиши, мослаша олиши юзасидан кўп ҳалокатларга учраган ва нобуд бўлишга олиб келинган. Бу йўналишдаги камчиликларни олдини олиш А.В.Васильев (1951) уларни келиб чиқиш сабабларини ўрганиб борган ва шулар асосида урчитилаётган шароитга кўникиш хусусиятларини яхшилаб берган.

Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида жойлашган хўжаликларида ҳам бундай ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин.

Бинобарин С.С.Зденций (1915) олиб борилган илмий изланиш ишларини натижалари кўрсатадики 1913 й. Ўзбекистоннинг Тошкент вилоятини тоғ ва тоғ олди хўжаликларида 251 - 825 бош Майин жун берувчи қўйлари урчитилган, улар маҳаллий шароитда ўзларини яхши хис қилган. Улардан маҳсулот олишда фойдаланилган.

Е.К.Дейхман (1937) томонидан келтирилган маълумотларга асосланиб қайд этиш мумкинки майин жунли гўшт-жундор қўйлар Фарғона водийсида ҳам урчитилиб келинган ва уларни сони 122 минг бошни ташкил этган.

Бу маълумотлар Яна бир бор шуни исботлайдики Марказий Осиё худудида жумладан Ўзбекистоннинг иқлим ва об-ҳаво шароитида майин жунли, гўшт-жундор, кроссбред жун берувчи қўйларни урчитиш ва маҳсулот олиш имкониятлари бор ва уларни ишга солишни талаб этади. Бу йўналишдаги қўйларни маҳсулотлари ўзларини сифати, миқдори ва ишлаб чиқаришини самарали эканлиги шубҳа туғдирмайди.

М.Ф. Иванов (1949) ўз ишида қайд этганки гўшт-жундор қўйларни урчитмоқ ва маҳсулот ишлаб чиқармоқ бошқа йўналишдаги қўйларни урчитишга ва маҳсулот олишга кўра анча юқори самара берган.

Кўйчиликни ривожланиш тарихини тахлили кўрсатадики бу йўналиш қўйчиликни жадалаштириш йўлига солди. Бугунги кунда кўнчилик қўйчилик хўжаликлари ўзларини қўйларини урчитишда бу йўналишдаги қўчқорларидан фойдаланиб келиб яхши натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистонда дағал жундор думбали. Гўшт-ёғдор жайдари қўйларни такомиллаштириб сифатли гўшт билан биргаликда қимматбаҳо кроссбред жун ишлаб чиқариш ишларини забардасти Ю.Р. Рахимов (1940) бўлиб ҳисобланади.

Гўшт-жундор қўйлар экстерери бўйича гўшт-ёғдор қўйлардан думбаси билан фарқ этади. Бу қўйларни гавдаси йирик, боши катта, асосан шоҳсиз, жуни майин ва ярим майин жунларга мансуб, толаси узун, толасини тоза чиқими ўртача, оёқлари калта.

И.А.Тапильский (1974); Куку Халит (1981) кузатув ишларига асосан таъкидлайдиларки гўшт-жундор қўйларни танаси қуруқ, конституцияси мустаҳкам, қир шароитига мослашган ва етарли даражада гўшт ва жун бермоқда.

П.Ф. Кияткин (1964), таъкидлайдики илк бор майин жунли линкольни зотли қўчқорлари, маҳаллий қўйларни яхшилаш учун 1928 йилда Самарқанд вилоятидаги Аболинск станциясига келтирилган. Олимни келтирилган маълумотлари кўрсатадики бу қўчқорлар хисор совлиқлари билан узоқ йиллар давомида чатиштириб борилиши ва танлаши, саралаш ишларини яхши йўлга қўйилиши натижасида гўшт-жундор йўналиши вужудга келган.

С.Г.Давидов (1960) таъкидлайдики дурагайлар ўзининг гўштдорлиги ва жундорлиги бўйича дастлабки аждодларидан фарқ этган.

Ўзбекистон шароитида бу йўналишни вужудга келтириш ва янада мужассамлаштириш ва олинган дурагайларида маҳсулдорлиги мустаҳкамлашда чатиштиришни талаб қилганлиги сабабли Сурхондарё вилоятини “Власть труда” деб номланган хжалигига 1939 йили линкольн қўчқорлари иккинчи бор келтирилиб қочиришда ишлатилган.

П.Ф.Кияткин (1964), Я.П.Сон, М.Х.Хайдаров, В.Я.Урицкий (1970), П.И. Кулешов (1925), Б.В.Жердев, И.А.Топильский (1976), С.Г.Давидов (1960) каби олимларни таъкидлашга кўра бу йўналишдаги кўзиларни тирик вазни туғилишидан 3.5-3.7кг бўлса, онасидан ажратишда 37-41 кг ташкил этилган ва улардан биринчи қирқимда 1.5-2кг поярка жуни олинган.

Бу ишларни олиб борилиши асосан 1956-1957 йилларга тўғри келади ва икки йўналишда давом эттирилган деб ҳисобланади ва асосан мақсади маҳаллий

қўйларни потенциал ҳолда такомиллаштириб боришини тақоза этган.

П.Ф.Кияткин (1964) Паркент туманини “Коммуна” давлат хўжалигида маҳаллий жайдари совлиқлари линкольн қўчқорлари билан чаптирилиб талабга жавоб бериладиган дурагай авлод олинган ва сўнги этапда улар узаро урчитиб борилиб мақсадга мувофиқ қўйлар гуруҳи вужудга келиб Паркент қўйлари деб номланди. Олинган қўйлар шароитга мослашувчанлиги, кўникиши ва шунингдек тирик вазни, жун ва гўшт миқдори ҳамда уларни сифати бўйича маҳаллий гўшт-ёғдор қўйларда кескин фарқ этган.

Б.В.Жердев ва И.А.Топильский (1976) маълумотларга кўра қўйчиликда яйловларни турли фаслларда ишлатилиши уларни маҳсулдорлигига салбий таъсир этган. Олимларнинг фикрига кўра бунинг натижасида қўйларни тирик вазни дастлабки вазнларига кўра камайиб кетган ва ҳозирги кунда катта ёшдаги қўйларни ўртача вазни 50-60 кг тенгдир. Олимларни фикридан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки уларни тирик вазнига яйловда ўсадиган ўсимликлар. Шунингдек жинси, ёши ва йилнинг фасли каби омилларга боғлиқ.

Х.К. Тўйджонов (1968) ўзбек гўшт-жундор қўйларни пўстинбоп хусусиятларни ўрганиб чиқиб қайд этадики улардан яхши ва сифатли пўстинбоп хомашё олиш мумкин ва сифатли пўстин буюмларини тайёрлашда ишлатилади.

А.А.Юлдашев (1967) Паркент туманидаги урчитилаётган ўзбек гўшт-жундор қўйларини маҳсулдорлик ва наслни сифатини ўрганиб борган. Кўзатувларга кўра янги туғилган эркак қўзиларни тирик вазни 4-4.5 кг Урғочи қўзиларни эса 3.5-3.7 кг бўлган онасидан ажратиш даврида эса тегишли равишда 32-34 ва 28-30 кг ташкил этган.

Адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики ўзбек гўшт- жундор қўйлари яхши гўшт ва жун маҳсулдорлиги билан фарқланади ва бу кўрсаткичларга жуда кўп омиллар таъсир этиш билан биргаликда маълум чегарада бўлади. Шунда уларни жун кўлами ўрта ҳисобда 3-3.5 кг, узунлиги эса 10-13см, йўғонлиги асосан 50-54 сифатга тенг.

В.Я.Урицкий, Я.П.Сон (1970) маълумотларига асосланиб таъкидлаш зарурки, ўзбек гўшт-жундор қўйларни яхши гўшт маҳсулдорлиги билан

характерланади. Олимларни фикрига биноан уларни 4-4.5 ойлигида тўлганда 12-13 кг 8-ойлигида 18-19 кг, 10 ойлигида 19-19.5кг, 18-ойлигида 30кг; катта ёшдаги қўйлардан эса 30-35 кг юқори сифатли нимта гўшт олинади. Бу ёшда сўйилган қўйларни нимта гўштини чиқими эса тегишли равишда 42.7; 50.2; 43.1; 51.0; 52.8 ва 51.8 фойизни ташкил этган.

Бу кўрсаткичларга асосланиб таъкидлаш зурурки уларни гўшт маҳсулдорлиги қўйларни ёшига, жинсига, тирик вазнига, семизлигига ва албатта турли технологик усуллари қўллаб уларни семиртириб борилишига, озуқа турига ва уларни тўйимлигига бевосита боғлиқдир (Ф.Джасимов; Ш.Абдидваитов, А.К. Амиров ва ҳ.к.) К.Шеримбетов (1951) 1-Ахонгарон давлат хўжалиги шароитида ўзбек гўшт-жундор қўйларни бўрдоқига боқиб семириш хусусиятларини ўрганган ва олган натижаларга асослаб қайд этадики туғилган қўзиларни (наслга яроқсиз) шу йилнинг ўзида бўрдоқига боқиб гўштга топшириш яхши самара берган гўштга топширилган қўзиларни вазни 37-39 кг, улрни сўйишда эса 17.8-18.7 кг нимта гўшти олинган.

Адабиёт маълумотларини шарҳи шуни кўрсатадики ўзбек гўшт- жундор қўйлари маҳсулдорлик кўрсаткичлари, унга сарфланган харажатларни арзонлиги ва бошқа хусусиятлари билан маҳаллий гўшт-ёғдор қўйлардан анча авзал туради.

Булардан биртекис ва ярим дағал ёпоғи жун олинади. Жун толаларини ўтрача узунлиги 9-12см, сифати эса 50-58 сифатга хос деб ҳисобланади.

Н.С. Перепелицина ва Л.М. Бободоева, А.А. Юлдошев (1971), Л.М. Бободаева, С. Ходжибеков (1977) бу қўйларни жунларини сифатини ва толасини тоза чиқимини ўрганган ва қайд этганларки бу кўрсаткич 67.6 фойизни ташкил этган.

Ўзбек гўшт-жундор қўйларни жунини сифати кўп олимлар томонидан ўрганиш ва шулар орасида М.Я. Когон-Берман ва В.В. Калинина (1961) олиб борган ишлари эътиборга моликдир. Бу муаллифларни фикрига кўра катта ёшдаги қўчқорларни жун асосан ёпоғи бўлади ва сифати бўйича қуйидагича тақсимланган. 75 фойиз жунлар 58- сифат, 28 фойиз 56 сифат, совлиқларни эса тегишли равишда 21.4 ва 28.6 фойизи шу сифатларга мансубдир.

В.А. Бальмонт (1965) илмий тадқиқот ишларига асосланиб қайд этган бу йўналишдаги қўйлар юксак гўшт маҳсулдорлик хусусиятларига эга ва бу ҳолат ўз навбатида қўзилар тез ўсади ва туғилган йилда ёғ гўшт ишлаб чиқаришга яроқли бўлиб сифатли қўзи гўштини беради.

О.Умирзаков ва У. Саидазизов (1972) олиб борган тадқиқот ишларидан келиб чиқиб таъкидлайдиларки гўшт-жундор қўйларни ҳар 100 бош совлиқдан 115-120 бошдан соғлом қўзи олинган ҳамда совлиқларни орасида қисир қолиши ёки қўзи бермаслик хусусиятлари умуман учрамайди.

Гўшт-жундор қўйлари адабиёт таҳлилига кўра кўп жихатдан авзаллиги аниқланган ва Ўзбекистонда жадал қўйчилигини ривожига асос солинган.

А.Асқаров, Ф. Джасимов, Ж.Хусниддинов (2007й), думбали гўшт-ёғдор жайдари қўйчиликни урчитиш усуллари ва унинг истиқболлари ҳақида фикр юритилган.

А.Асқаров, Ф.Джасимов, Ж.Хусниддинов (2007й.), жайдари ва ўзбек гўшт-жундор қўйларни ривожланиш ва биологик хусусиятларини ўрганиб чиқилган.

Тирик организмга сут энг зарур озуқа, чунки янги туғилган ҳайвон боласи биринчи кунларидан то бир ойлигигача сут эмади. Сутнинг таркибида организмни тўғри ўсиши ва бақувват бўлиши учун етарли даражада тўйимли моддалар мавжуд. Олимларни олиб борган кузатишлари шуни такидлайдики барча қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг сутига кўра қўй сутининг тўйимлилиги бўйича устун туради.

А.В. Николаев, А.Н.Ерохин (1987) маълумотларига кўра қўй сутига 6-8% ёғ, 4-5-6% оксил, 4-6% қанд ва 0.8% минерал моддалар мавжуд.

Адабиёт маълумотларига кўра Балгария, Венгрия, Албания, Италия, Германия, Туркия каби давлатларида қўй сутини кўп ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади.

А.Н. Ульянов ва А.В.Риков (1990) келтирган маълумотларида шуни таъкидлайдики, қўй сутидан творог, качкавал, раффор, сир, бринза ва бошқа сут маҳсулотлари тайёрланади ва аҳолини талабини қондиради.

Бу борада қоракўл қўйлари ўзининг асосий йўналиши сут тери бўйича катта ўрин эгаллайди.

В.А. Петров (1930) 60 кун давомида қоракўл қўйларидан 25-30кг сут соғиб олинганлиги тўғрисида маълумот келтирилган. Сутнинг ёғлиқ даражаси эса 6-7% ни ташкил этган.

С.Г. Херасков (1940) Самарқанд вилоятини, улус давлат хўжалигида турли зот ва йўналишдаги қўйлари сутдорлигини ўрганиб чиқиб таъкидлаганки, қоракўл қўйлари сутдорлиги бўйича бошқа таққосланган зотлардан устунлик қилган, қолаверса қўйларнинг сути бошқа ҳайвонларни сутига (қорамол) кўра организмда тез ҳазм бўлиб қўзисини ўсиши ва ривожига ижобий таъсир кўрсатганини таҳлил этган.

Н.П. Дмитриев (1940) қўй ва қорамол сутини одам организмида ҳазм бўлишини ўрганган ва олган натижасига кўра қўй сути одам организмида ҳазм бўлиши 99.12% ташкил этган. Қорамол сути эса фақат 91.97% бўлган ёки қўй сути ҳазм бўлиши бўйича 7.5% устунлик қилган.

Сутни таркибида 100 дан ортиқ модда мавжуд, лекин уларни жумласи ва миқдори дойимий бир ҳолда эмас ва жуда кўп омилларга боғлиқ экан.

А.А. Рухежян (1930) тажрибасига кўра қўйларни сутини таркибидаги қуруқ модда соғимнинг 4 ойидан кўпайган ва ундан сўнг эса аста-секин пасайиб борган.

Қўйларнинг сутдорлиги туғадиган қўзи сонига ҳам боғлиқ. А. Маматов (1987) Амангелди давлат хўжалигида Р.Қаландаров (1991) Хоразм вилоятининг Нариманов жамоа хўжаликларида ўтказилган тажрибаларга асосан қоракўл қўйларни сут маҳсулдорлиги улардан олинган қўзи сонига ва совлиқларни туғиш ёшига ва қўзи бериш сонига боғлиқлигини тасдиқлаган ва бунда эгзак қўзи туққан совлиқларни сути яқка туққан совлиқлардан устун бўлган.

Е.Н. Илялетдинов (1968) меринос х линколин х дағал жунли ва майин жунли қўйларни сутдорлигини ўрганган ва эгзак туққан совлиқлардан 166.8кг, яқка туққан совлиқларни эса 135.6 кг ташкил этгани исботлаган.

Қўйларнинг зоти уларнинг сутдорлигига таъсир этишини Ф.В.Илев (1966) томонидан соф зотли қоракўл х чушка дурагайларни устида олиб борган ишидан

кўришимиз мумкин.

Муаллиф фикрига биноан соф зотли қоракўл қўйларидан 85кг, қоракўл х чушка дурагайлардан эса 66.3кг сут олинган демак, қоракўл қўйлари дурагайларга кўра 18.7 кг кўп сут берган.

А.А. Гузун (1966) қўйларнинг сутдорлигига уларнинг ёшини таъсир этиши бўйича тажриба олиб борган ва натижада қўйларнинг ёши катталашган сари сут бериш қобилияти ошиб борганини тасдиқлаган. Масалан биринчи туққан цигай зотини совлиқларни сути 65.6 кг, иккинчи туққан 68.7кг ва еттинчи туғишида эса 69.9кг ташкил этган. Муаллифини фикрига асосланиб шуни айтиш мумкинки, қўйларни сути 4 ёшгача ошиб боради ундан сўнг эса пасаймоқда.

Бу фикрни В.Я.Смирнов (1958) ўз тажрибаларида тасдиқлаб ўтган. Қўйларни сутдорлигини 8 ёшгача кузатиб борган ва 4-6 ёшгача ошганлиги ундан кейинги даврларда пасайиб қолганлиги аниқланган.

Адабиётда келтирилган маълумотларга биноан бизнинг диёримизда урчитилаётган ҳар бир совлиқ бошига бир йилда 30-40кг сут ишлаб чиқиш имкони мавжуд. Лекин бу потенциал ҳали ҳам ишлатилмай қолмоқда.

Б.Н. Васин ва Васин Попова (1971) каби олимларни олиб борган ишларини натижасида ҳам кўришимиз мумкин, бу олимлар қоракўлчиликда сут маҳсулоти барра терисидан сунгги ўринда турганини тасдиқлаган.

Қўйларни сутдорлигига озуқаларни тури ва тўйимлилиги ижобий таъсир этишини қатор илмий ишлардан кўришимиз мумкин. Я.И. Имеген (1968), Н.П.Дмитриев (1940), А.А.Грачев ва Ф.Б. Сафин (1928) қўйларни тўйимли ва сифатли озуқалар билан озиклантириб қўйидаги хулосаларга келган: яхши озиклантирилган қўйлар сут миқдори, соғим муддати ва сутни сифати бўйича ёмон озиклантирилган тенгқурларидан анча устин бўлган.

Г.Р. Литовченко ва П.А. Есаулов (1972) қўйларни яхши яйловларда ва ёмон яйловларда озиклантирилиб борган ва яхши яйловларда урчитилган совлиқлар сутдорлиги бўйича тенгқурларидан устун турганини тасдиқлаган.

Адабиётдаги маълумотларни инобатга олиниши бугунги кунда халқимизни фаровон яшашига қаратилган шу сабабли бу муаммога эътибор берилиши зарур,

қолаверса совлиқларни сути кўп бўлса улардан олинадиган қўзилар яхши ўсади ва бақувват бўлади. Бу эса ўз навбатидан уларнинг гўшт беришига таъсир кўрсатади.

И.Г. Мамедов (1969) Азәрбайжон меринос қўзиларига оналарининг сутдорлигини таъсирини ўрганган ва ундан ўсиб борадиган организмга зарур бўлган хужайра ҳамда туғилганларини жадал равишда ўстириб берадиган оксил моддасини оладилар. Шу сабабли ҳар бир соғиладиган совлиқни соғиб олиш учун қўшимча озиклантиришни таклиф этган. Бундай олиб борилган иш 25-30кг қўшимча сут ишлаб чиқаришига имкон яратади.

Ю.Н. Юдин ва В.П. Родин (1983) олиб борган илмий ишларига асосланиб тасдиқлайдики дағал жун берувчи қўйчилиги ривожлантирилган минтақаларда кўп миқдорда сут ишлаб чиқариш имконлари мавжуд ва бу ишлар Кавказ ости, Шимолий Кавказ, Молдавия каби республикаларида яхши йўлга қўйилган ва катта эътиборга моликдир.

Армания жумхуриятида дағал жун йўналишидаги қўйларни соғиш натижасида З.Т. Агнен ва Б.Г. Аралкельян (1969) маълумотларига кўра 150 минг тонна қўй сути ишлаб чиқилиб истеъмол қилинган.

Қоракўл қўйлари дағал жун йўналишида бўлиб сутдорлиги бўйича юқорида келтирилган минтақаларда урчитилаётган қўйлар билан сутдорлик бўйича Рақобатбардош деб ҳисобланади, қолаверса бу қўйларни сутдорлиги Ш.А. Рахимов (1964) Ф. Джасимов (1994, 2005) ва бошқа олимлар томонидан тасдиқланган. Бугунги кунда қўйчиликда иқтисодий ислоҳатларни олиб бориши натижасида янги шаклдаги хўжаликлар вужудга келди ва бу хўжаликларда қўйлардан сут ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Бу фикрни ҳамда шахсий ва ижарадаги фермер хўжаликларида қўйлардан сут ишлаб чиқарилишини самарадорлигини биз П.А. Воробьев (1981) томонидан олиб борилган тажрибалардан ҳам кўришимиз мумкин, муаллифнинг фикрига кўра ҳар бир шахсий хўжаликда совлиқ бошидан 100 кг сут олиш мумкин.

Бундай хўжаликларни ташкил топиши қўйларни асраш ва боқиш технологиясини такомиллаштиришни ҳамда илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий этилишини талаб қилади (И.Г. Мамедов (1969)).

Шундай янгиликлардан бири бу кўзиларни оналардан эрта туғдириш ва ажратиб олиш (Setiva и FIm M.A. -1987, J.P. Shrasther -1989, W.CiII -1987) деб ҳисобланмоқда.

П.А. Воробьев (1981), Ф. Джасимов (1985), С. Maitre (1986), V. Barbicri (1986) томонидан кўзиларни оналардан эрта ажратиб олинishi натижасида улардан кўшимча сут олинishi аниқланган, лекин кўзилар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолмаслиги учун уларга кўшимча озуқа берилиши тавсия этилган.

А.С. Канцепольский (1969) томонидан келтирилган маълумотларга биноан МДХ давлатлар умумий олинган сутнинг 2 фойизини кўй сути ташкил этган. Қолаверса бу олимнинг фикрига кўра кўйларни соғиш уларнинг елинини ривожланишига олиб боради ва натижада сутдорлигини оширади.

Адабиётдаги келтирилган маълумотларга кўра кўйларнинг сутдорлигига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатмоқда, лекин асосан сўнги йилларда насилчилик ишларини олиб боришда уларнинг сутдорлиги инобатга олинмаган ва А.Н. Николаев, А.И. Ерохин (1957) фикрларига кўра кўплаб кўй зотларини сутдорлиги пасайиб кетган.

Англия, Америка, Янги Зеландия давлатларида 1980-1987 йилларда кўзиларни ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари батафсил ўрганиб борилган ва шу хулосага келинганки қишда олинган кўзилар баҳордаги кўзилаган тенгхўрларидан ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари бўйича устунлик қилган. Бу тадбирларни тўғри бошқариб бориш ва ундаги илғор технологияни қўллаш натижаси бўйича жаҳонда Янги Зеландия етакчилик қилмоқда, унинг кўйчилиги шу ишларни тўғри олиб бориши натижасига кўра сердаромад соҳага айланади.

Т.И. Селянинг (1987) томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики кўзиларни ўсиш ривожланиши, ҳаттоки уларнинг тана тузилишига боғлиқдир. Олимнинг олган натижалари кўрсатадики кўзиларни бош жун билан яхши қопланган бўлса жунсиз тенгхўрларига кўра жадал ўсиб ривожланган.

Кўзиларни ўсиш ва ривожланиши Б.И. Шукин (1987) томонидан ҳам батафсил ўрганилган бўлиб, уларнинг ўсиш ва ривожланиши оналаридан эрта

ажралиш, кеч ажралишига тенгхўрларига кўра жадал ўтган. Демак, эрта ажратиб олиш кўп самара берган.

Бу ишларни Ф.Джасимов (1990, 1992, 1997, 2002, 2004) ва бошқалар томонидан қорақўл ва жайдари кўзиларни устидан олиб борилган ва ижобий тадбир эканлиги тасдиқланган.

J.P. Shraether (1987) маълумотларига кўра кўзиларни ўсиш ва ривожланишига яна бир таъсир этувчи омил бу нафақат кўзилатиш, балки кўй зотига ҳам боғлиқ бўлиши таъкидланмоқда.

Бу олинган маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаш зурурки кўзиларни ўсиш ва ривожланиши кўп омилларга боғлиқ бўлса, уларга таъсир этишда яратилган шароит асосий омил бўлиб ҳисобланади. Кўзиларни парвариш этилиши яхши шароитда ўтказилса бунинг акси бўлади.

Шу назардан келиб чиқиб таъкидлаймизки кўзиларни ўсиш ва ривожланишини тўғри ўтиши бевосита уларни урчитилаётган хўжаликни шароити билан боғланган.

Кўзиларни ўсиш ва ривожига таъсир этувчи омилларни яна бири бу уларни оналаридан ажратиб олиш муддатидир. Бу борада Б.И. Шукин (1987) томонидан Россия жумҳуриятини Измаилова хўжалигида меринос кўзиларида тажрибани эслатиш зарур. Муаллиф меринос кўзиларни оналаридан қабул қилинган (4-4.5 ой) технологияга кўра 1-1.5 ой олдин ажратиб олиб парваришлаган, ундаги натижаларни шуни кўрсатадики тажриба гуруҳидаги кўзилар назорат гуруҳидаги кўзиларга нисбатан ўсиш ва ривожланиши жадал кечиб бориб тенгкурларидан анча устунлик қилган. Муаллифни фикрига кўра бу тадбир нафақат ажратилган кўзилардан ижобий таъсир кўрсатган, қолаверса оналарни ўзини тиклашга, соғлом баққуват бўлиб қайта такрорий ишлаб чиқаришга ижобий таъсир этилган.

Т.И.Нежлученко (1987) оскония зотига мансуб кўзиларни оналаридан 5-21 кунлигида ажратиб олиб кузатув ишларини олиб борган. Муаллифни фикрича ва эришган натижаларга кўра, эрта ажратиб парваришланган кўзилар ўзларини тенгкурларидан ягона хўжалик муддатида ажратилган кўзилардан яққол устун турган кўзиларнинг турли муддатларда ажратилиши Ф. Джасимов (2002)

томонидан ўрганилиб чиқилган ва эрта ажратиш Қўзиларни ўсишига ва ривожланишига ва оналарини туққанидан сўнг тез тикланишига ва етилишига ижобий таъсир этгани кўрсатилган.

В.А. Родирнов (1984) қўзиларни ўсиш ва ривожланишини кузатиб борган ва унда шу фикрига келадикки бу жараён жуда кўп олимларга боғлиқ, жумладан унга қўзилатиш муддатини ижобий таъсир этишини исботлаган. Муаллифнинг фикрига кўра қишда туғилган қўзилар баҳорда туғилган қўзиларга кўра тетик, соғлом, бақувват ва йирик бўлади. Унинг тажрибаси шуни кўрсатганки, қишда туғилган қўзиларни тирик вазни ўрта ҳисобда 5-5.01 кг бўлиб, баҳорда туғилган қўзиларники эса 4.5-4.8 ташкил этади, оналаридан ажратиш даврига келганида эса бу кўрсаткичлар тегишли даврда 25.9-26.0 ва 20-21 ташкил этган.

Қўзиларни оналаридан эрта ажратиб парваришlash натижасини уларни ўсиб ривожланишига ижобий таъсир этишини биз кўпчилик олимларни тадқиқот ишларидан кўришимиз мумкин. Жумладан, бу борада А.Дрезденконинг (1990) олиб борган ишини эслатиш жоиздир. Муаллиф қўзиларни уч ойлик чоғида оналаридан ажратиб бўрдоқига боқиб гўштга топширган. Эришган натижалари асосида такидлайдики, уч ойлигида ажратилган ва бўрдоқланган қўзилар нафақат яхши ўсиб ривожланган қолаверса улар кам озуқа сарф қилган ҳамда бу технологик жараёни кечиши қўзиларни жинсига боғлиқ бўлишини исботлаган.

Адабиёт маълумотларини умумлаштирар экансиз, таъкидлаймизки гўшт –жундор йўналишдаги кўйчилик бошқа йўналишларига кўра янги ва унинг маҳсулдорлик хусусиятлари жуда кўп омилларга боғлиқ бўлсада ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бугунги кунда ташкил топган хўжаликлар шароитида уларни урчитилишини ва маҳсулдорлигини оширишини янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

II. БОБ

ТАДҚИҚОТЛАР МАНБАИ ВА ЎТКАЗИШ УСЛУБЛАРИ

2.1. Қибрай тумани №49348 сонли ҳарбий қисмини ёрдамчи хўжалигини таърифи.

Тадқиқотнинг тажриба ишлари Қибрай туманидаги №49348 сонли ҳарбий қисмдаги ёрдамчи хўжалигини қўйчилик фермасида олиб борилди

Бу ҳарбий қисм Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлигини 2006 йилдаги №258/П –сонли қарори билан ташкил топган

Қибрай тумани №49348- сонли ҳарбий қисмини ёрдамчи хўжалигини асосий йўналиши чорвачилик ва деҳқончилик бўлиб ҳисобланади.

Қибрай тумани №49348- сонли ҳарбий қисм Тошкент вилояти Қибрай туманининг Тошкент шаҳрини шимолий-шарқий томонга жойлашган. Ҳарбий қисми ёрдамчи хўжалиги эса Қибрай тумани “Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти” дан 1 км узоқликда жойлашган. Шимолий томондан Қозоғистон Республикаси билан чегарадош.

Қибрай тумани №49348 сонли ҳарбий қисм туман маркази Қибрай шаҳарчасига яқин жойлашган (6-7км) Тошкент шаҳрининг эса катта халқа йўлининг ёнбошида жойлашган.

Қибрай тумани №49348 сонли ҳарбий қисм ёрдамчи хўжалиги аҳоли яшайдиган пасёлкасида жойлашган ҳамда худуди орқали Чирчиқ- Тошкент автотрассаси ўтган. Ҳарбий қисм худудидаги маъиший хизмат кўрсатиш уйи, маъмурий биноси, дорихона, касалхона, болалар боғчаси ва мактаблар мавжуд бўлиб аҳолига хизмат қилади. Қолаверса ҳарбий қисмда автожамғарма, устахона мавжуд бўлиб унда турли қишлоқ хўжалик машиналари, автотранспорт воситалари сақланади ва зурурият туғилганда таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Бугунги кунда ҳарбий қисмда 10 мингга яқин аҳоли яшаб истиқомат қилади ва ишчи кучи билан тўла таъминланган. Ҳарбий қисм худуди электрлаштирилган, табиий газ ва ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. Ҳарбий қисм хўжалигини ер майдонлари насос орқали суғорилади. Ерларнинг асосий қисми қир ёки нотекис бўлиб ҳисобланади. Еримиз тупроқлари қумлоқ ва бўз тупроқлар бўлиб

ҳисобланади. Ушбу хўжаликнинг Тошкент вилояти иқлими барча хўжаликлар каби кескин контенталдир. Ундаги ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 15-20 С градусни ташкил қилади. Июль ойларига келиб ҳаво ҳарорати 38-36 С градусларига кўтарилади. Қишлоқда ҳавони ўртача совуқ бўлиши 8-12 С градусни ташкил этади. Ҳарбий қисм худудидаги йиллик ўртача намдорлик 300-390 миллиметрга тенг бўлиб ҳисобланади. Бу ерда баҳор жуда эрта келиб, март ойини бошларида ҳаво ҳарорати сезиларли даражада кўтарилади. Ёғимгарчиликнинг асосий қисми ҳам шу даврда бўлиб ўтади. Ёзнинг иссиқ кунлари жуда узоқ давом этиб, иссиқ ва қуруқ кечади. Баъзида июнь ойларида ёмғир жала кўринишида қуяди.

Бундай ҳаво ҳарорати +43 0С градус даражага етади. Бироқ июл ва август ойларида ҳаво ҳарорати тез-тез ўзгаради ва максимум +43 0С градусга ошиши кузатилади. Куз фасли ўзининг илиқлиги билан фарқ қилиб, одатда сентябр ойининг биринчи кунларида бошланади. Базида сентябр ойининг охирида, асосан эса октябр ойининг бошларида кузнинг дастлабки совуқ кунлари бошланади ва октябрнинг бошида ёмғир тушуши бошланади. Одатда ёмғир кўринишда бўлади. Дойимий қор қоплами одатда декабр ва январ ойларида сақланиб туради. Ҳаво ҳарорати энг кам даражаси январ ойида кузатилади.

Баҳор фасли унчалик узоқ давом этмай тезда ўз ўрнини ёзнинг иссиқ кунларига бўшатиб беради, 49348 харбий қисм иқлим шароити ўзига ҳос бўлиб ўртача 50 ёғимгарчилик 399 мм дан кўп бўлмайди. Бази йилларда бу миқдор 117.2 мм дан 541.3 мм гача ўзгариб туради.

Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 22.90 градус абсалут минимум эса 20 градусни ташкил этади. Иссиқ ва илиқ кунларни давомийлиги ўртача 203 кунни ташкил қилади. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларини вегетация даврини узайишини таъминлайди.

Тупроқ шароити: №49348 сонли харбий қисм ерлари адрликлар бўлиб бўз тупроқлардан ташкил топган. Хўжалик худудида бир йиллик намдорлик паст ва 300-390 мм тенг бўлиб асосан қор ва ёмғир сифатида ерга тушади, ер ости сувлари чуқур жойлашган. Хўжаликни иқтисодини қўйчилик ва қорамолчилик белгилайди шу боисдан уларни боқишга ва парваришлагга катта эътибор берилади ҳамда

ерларни айрим жойларида хўжаликни донли озуқаларга бўлган талабини кондириш учун буғдой экилади, хўжаликнинг яйлови учга бўлинади пастки, ўртанчи ва узоқ тоғ олди яйлови. Хўжаликдаги мавжуд ерлар ва уларни турлари 1-жадвалда ўз аксини топган.

1- жадвал

**Қибрай туманидаги №49348 сонли ҳарбий қисмини ёрдамчи
хўжалигини ерлари ва таркиби**

Ер турлари	Ўлчов бирлиги	2012 йил		2013 йил	
		Режа	Ха қиқий	Режа	Ха қиқий
Умумий ер майдони	га	38	38	38	38
Шундан к/х яроқли ер	га	38	38	38	38
Жумладан хайдалган ер	га	10	10	10	10
Яйловлар	га	10	10	10	10
Дарахтзорлар	га	1.0	1.0	1.0	1.0
Пчан экин майдони	га	10	10	10	10
Лалми	га	31	31	31	31
Аҳоли тармоқлари	га	7.0	7.0	7.0	7.0

Хўжалик ерларининг ҳосилдорлигини ошириш ва унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки унинг ҳосилдорлигини айнан маҳсулот бериш хусусиятининг рентабеллик даражасини белгилайди. Хўжаликни 31 га ери лалми 7 га ерлари суғорилади ҳалос.

Бу хусусиятларини инобатга олиб ҳарбий қисмга хўжаликни ерларидан фойдаланиш даражасини ва ҳосил олиншини ўрганишга ёндошдик. Бу кўрсаткичлар тўғрисида маълумотларни 2-жадвалда келтирганмиз.

2-жадвал

**Қибрай туманидаги №49348 сонли харбий қисмни ёрдамчи хўжаликни
ер майдони ва ундан фойдаланиш даражаси.**

Кўрсаткичлар	2012		2013	
	Ер майдони, га	%	Ер майдони, га	%
Умумий ер майдони	38	100	38	100
Шундан: дала майдони	10	26.3	10	26.3
Пчан экин майдони	10	26.3	10	26.3
Яйлов	10	26.3	10	26.3
Дарахтзор	1	2.6	1	2.6
Аҳоли тармоқлари	7	18.5	7	18.5

Жадвалдаги маълумотга асосланиб қайд қилиш мумкинки, хўжалик ерлари сўнгги йилларда бир текис бўлиб ўзгармаган. Жами ер майдони 38 га хайдаладиган 10 га, яйловлар 10га, пчанзорлар 10 га, дарахтзорлар 1 га ва аҳоли тармоқлари 7 га ни ташкил этган. Экин майдонларининг тахлили билан биргаликда хўжаликда ўрганилаётган чорва туёғини ҳам таҳлил қилишга уриндик. Бу ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўринадики қорамоллар сони ва сигир сони бўйича режа ва амалдаги кўрсаткичларда фарқ йўқ. Кўйларда эса фарқ мавжуд бунда кўйлар режага нисбатан 82 бошга ёки 102.3 фоизга ошиб бажарилган, совлиқ сони ҳам режага нисбатан 4.1 фоизга оширилган.

3-жадвал

**Қибрай туманидаги №49348 сонли харбий қисмни ёрдамчи
хўжалигидаги чорва молларини туёғи**

Чорва молларини турлари	Ўлчов бирлиги	2013 йил		
		Режа	Амалд а	Бажари лиши

Жами қора мол сони	Бош	35.0	35.0	100
Шундан сигир сони	Бош	7.0	7.0	100
Жами қўйлар сони	Бош	3500	3582	102.3
Шундан совлиқлар сони	Бош	2000	2082	104.1
Жами йилқи сони	Бош	10	10	100
Биялар сони	Бош	5	5	100

Хўжаликда нафақат ўрганилган чорвани туёғи бунда уларни маҳсулдорлиги ҳам аниқланди ва олинган маълумотлар 4- жадвалда акс этилган.

4-жадвал

Қибрай туманидаги №49348 сонли ҳарбий қисмни ёрдамчи хўжалигидаги қўйларнинг маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил		2012 йилга нисбатан
			Режа	Ҳақиқат	
Бир қўй бошидан олинган жун	кг	3.5	3.6	3.7	+0.2
Жами жун	кг	12250	1260	13253.4	+650.4
Жами олинган қўзи	бош	2040	2040	2123	+83
100 бош она совлиқдан олинган қўзи сони	бош	101.0	101	102	+1
Маҳсулот сотилиши жун	кг	12250	126000	13253.4	+1003.4

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, 2012 йили қўйларни туёғи сони, маҳсулдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариши кўрсаткичлар 2013 йилга солиштирилганда унинг кам бўлиши кўзга ташланади. Бу кўрсаткичлардан келиб чиқиб таъкидлаймизки хўжаликда бу борада тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этилишини талаб этмоқда.

Қўйларни жундорлиги 2012 йилга нисбатан 0.5кг жами эса 650.4кг ташкил

этган. Қўйлар сонини ошиши 82 бошни, 100 бош совлиқдан 1 бошга ҳамда жун сотиш бўйича 1003.4 кг тенг бўлган.

2.2. Тадқиқотлар манбаи ва ўтказиш услублари.

Диссертация экспериментал қисми Тошкент вилояти Қибрай туманидаги №49348 сонли ҳарбий қисм хўжалиги шароитида урчитилаётган ўзбек гўшт-жундор қўйларида олиб борилган. Ўзбек гўшт-жундор қўйлари Ўзбекистонда чорвачилик илмий тадқиқот институти бир қатор олимлари ва ишлаб чиқариш мутахассислари томонидан (П.Ф. Кияткин., И.А. Тапильский, М.Х. Хайдаров, Я.П. Сон, М.К. Кодиров, В.В. Жерзев, А.Койшимонов, ва О.С.Цибезов (1982)) маҳаллий думбали қўйларни сержун линкольн, ромнимарш, каридел, дегерес қўчқорлари билан чатиштириш натижасида яратилган бўлиб Тошкент, Жиззах ва сирдарё вилояти хўжаликларида ўргатилиб келинмоқда.

Бу қўйларни танаси йирик, боши шоҳсиз, бўйни калта ва йўғон, мускуллари яхши ривожланган, бели ва думғаза қисмлари кенг ва текис, кўкраги кенг, қўвирға оралари гўштга тўлган, оёқлари калта ва йўғон.

Жуни штапель шаклида бўлиб танасини тўлиқ қоплайди, қалинлиги ўртача, узунлиги 10-15 см тенг бўлиб 48-50 сифат билан белгиланади. Жунини асосий майин ва ярим майин жунли қўйларга ҳос бўлиб туси бўйича қуқ деб ҳисобланмоқда.

Бу қўйларда дурагай ирсий хусусиятлари мужассамланганлиги сабабли тоғ ва тоғ олди шароитига яхши кўникади ва мослашган. Қўчқорларни тирик вазни ўртача ҳисобда 70-80 кг; совлиқларини эса 60-65 кг тенг бўлади. Бу қўйларни совлиқлари бир хўжалик йилида ўрта ҳисобда 3-3,5 кг, қўчқорлари эса 4,5-6,5 кг жун беради.

Сўнги йилларда бу қўйлар, бошқа чорва моллари каби кўп қийнчиликларга дуч келди ва унинг натижасида маҳсулдорлиги сусайиб кетди. Шу ҳолатини инобатга олган бўлиб хўжалиқда урчитилаётган ўзбек гўшт-жундор қўйларни Республикамиз иқлим шароитига чидамлилиги кўникиши сақланувчилиги ва шунингдек уларни маҳсулдорлиги ёшига ва озикланишига боғлиқчилиги эътиборга моликдир ва бу қўйлардан арзон мақбул маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга солинади. Бу борадаги тадқиқот ишимиз 5 жадвалда келтирилган режага биноан

амалга оширилади.

5-жадвал

Тадқиқот олиб бориш режаси.

Тадқиқот манбаси - Ўзбек гўшт-жундор қўйи

Кузатувга ажратилган қўй гуруҳлари

қўчқорлар

совлиқлар

ахталанган
қўчқорлар

бир ёшга
етмаган
қўчқорлар

Режага биноан ўрганилган вазифалар

Тадқиқот режасида кўриниб турадики ҳар бир гуруҳга эркак ва уғочи қўйлар ажратилган улар махсус тамғалар билан тамғаланиб номер солинди ва гуруҳга қўшилган. Бу ишни олиб борилиши кузатув даврида уларни тезда топиб олиш учун қилинди. Тадқиқотга ажратилган қўйлар экстерерига ва фенотипига ҳамда гавдасини катталигига ёки тирик вазнига қарадик. Бундаги кўрсаткичлар бир бирига яқинлигига ҳамда ўзбек гўшт-жундор қўйларини мос бўлишига катта этибор берилди.

1. Ўзбек гўшт-жундор қўйларини сони жинси ва ёши бўйича таркиби
2. Қўйларни асраш ва озиклантириш
3. Қўйларни тирик вазн динамикаси, семизлиги ва гўшт маҳсулдорлик даражаси
4. Қўйларни жун маҳсулдорлиги ва унинг сифати
5. Қўйларни пуштдорлиги ва сут маҳсулдолилиги
6. ўзбек гўшт-жундор қўйларни ўрганишни самарадорлиги.

Ҳар бир тадқиқот гуруҳига аналог услубига биноан 20 бошдан қўйлар

ажратилиб алоҳида белги қўйилди ва сирға солиниб маҳсус журналга қайд этилди. Қўйларни ва қўзиларни гуруҳларга ажратишда уларни туғилган даври (кун), жинси, тирик вазни экстеръери инобатга олинди. Бу ишни бажаришни биз кўзда чамалаш ва тарозда тортиб бориш орқали амалга оширдик. Совлиқ ва қўзиларни кулоқларига сирға солишда, рангли пластмас сирғаларни ишлатдик, кулоқларни тешиш ва сирға ўтказиб қистиришда маҳсус омбурлардан фойдаландик (тешгич ва қистиргич омбурлари) тадқиқот ишимизни давомийлиги бир йилни ташкил этди ва бундан 2013 йили туғишидаги қўйлар олиниб уларни қўзилари биринчи қирқимга киришга қадар назорат остида бўлади.

Қўйларни асраш ва боқишни ҳар гуруҳ бўйича хўжалик шароити яйловда олиб борилган.

Турли ёшдаги қўйларни гуруҳларни шароитига кўникиши, сақланувчи уларнинг хулқ-атворини ва шунингдек айрим хаётий фаолиятини кўзда кўриш орқали амалга оширилди. Сақланувчанлигини аниқлашда ҳисобот даврларда соғлом қолган қўй ва қўзиларни оддий санаш йўли орқали амалга ошириб борилди.

Ўсишни ҳамда тирик вазн динамикаси кўзда чамалаш ва тарозида тортилиши орқали аниқланади ва бунда Борисенко (1970) услубларига амал қилиниб қуйидаги формулалар ишлатилди.

$W_t - W_0$ тадқиқотдаги қўй ва қўзиларни суткалик ўсиши

1. $W =$

N

Формуласи: Бундан

W – суткалик ўсиш

W_t – ҳайвонларни тадқиқот давомидаги сўнги тирик вазни

W_0 – ҳайвонларни тадқиқот даврини бошдаги тирик вазни

T – ҳисобга олинган муддат ёки давр

2. $W = W_t - W_0$ – ҳайвонларни маълум даврдаги мутлоқ ўсиш

W_0 – тадқиқот бошидаги ёки дастлабки тирик вазни

W_t – тадқиқот охиридаги тирик вазни

$W_t - W_0$ ҳайвонларни тирик вазнини нисбий ўсиш

3. A=

$$W_t - W_0$$

I

формуласи.

Бунда $W_0 : W_t$ юқорида қайд этилгандек 100-дойимий коэффициент бўлиб фоизда ифодаланади.

Қўйларни гўшт маҳсулдорлиги ВИЖ (1972) услубига биноан амалга оширилди ва бунда қўйларни семизлигини аниқлашда ГОСТ 5111-55 давлат андозасига биноан амалга оширилиб ўртадан юқори, ўрта ва ўртадан паст семизлик даражалари аниқланди. Қўйларни сўйишдан олдинги тирик вазн тортиш ва дастлабки топширган вазнга таққослаган ҳолда аниқланди.

Нимта ва сўйим вазнлари тарозда тортиш орқали аниқлаб борилди. Қўйларни нимта, сўйим чиқими, нимта ва сўйим вазнини сўйишдан олдинги вазнига таққослаш орқали амалга оширилди. Гўштни сифат кўрсаткичлари ГОСТ 5111-55 давлат андозасига биноан амалга оширилди.

Қўйларни жунларини узунлиги ленекада ўлчаб борилди. Миқдори тарозда тортиш орқали амалга ошириб борилди. Жун қопламини зичлиги, ифлослиги кўзда кўриш ва кўлда пайпаслаш орқали аниқланди. Жун миқдори эса ҳар бир кўйдан қирқиб олинган жун тарозида тортиб борилди. Жунларни сифат кўрсаткичлари ГОСТ 7939-79 андозасига биноан амалга оширилди.

Тажриба гуруҳидаги совлиқларни пуштдорлиги уларни туғиш чоғида олинган қўзи сонига биноан амалга ошириб борилди. Шу билан биргаликда бу кўрсаткич хўжаликда қочириш ва туғдириш журнали маълумотларидан олинди.

Қўйларни сутдорлиги соғиш ва қўзиларни эммасдан ва эмгандан сўнг тортиш орқали аниқладик. Бунинг учун ҳар гуруҳидаги совлиқлар маҳсус назорат кунларида соғилди ва декадаларга кўпайтириб ойлик сути чиқарилди, ойлик сутилари бир бирига қўшилиб умумий йиллик сути аниқланди.

Урчитилишини самарадорлиги хўжаликда қўй маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш услубига амал қилган ҳолда амалга оширилади.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда П.С.Плохинский (1959), Ф.Джасимов, У.Н. Носиров, Б.А. Кахрамонов 2003

услугий қўланмалардан фойдаланилади.

III. БОБ

ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ.

3.1. Хўжаликдаги Ўзбек гўшт-жундор қўйларни сони, жинси, ёши ва таркиби.

Бу кўрсаткичлар Қибрай туманидаги №49348 сонли ҳарбий қисмини ёрдамчи хўжалигидаги иш юритувчисининг ҳисоб китоб журналидан ўрганилди ва натижада эришилган маълумотлар 6- жадвалда акс этирилган.

6-жадвал


Ўзбек гўшт-жундор қўйларини жинси ва ёши бўйича тақсимооти

Турли ёш ва жинс гуруҳлари	Қўйларни сони ва таркиби	
	Сони -бош	Таркиби -%
Наслдор қўчқорлар	10	0.2
Совлиқлар	1000	27.90
Икки ёшга етмаган қўчқорлар	872	24.3
Икки ёшга етмаган совлиқлар	600	16.70
Бир ёшга етмаган қўчқорлар	700	19.50
Бир ёшга етмаган совлиқлар	409	11.40
Жами қўйлар	3582	100

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб такидлаймизки хўжаликда жами бўлиб 3582 бош ўзбек гўшт-жундор қўйлари урчитилмоқда. Шундан жинси бўйича таҳлил кўрсаткичлари уларни 2009 бош – урғочи ёки 1000 бош катта совлиқлар, 600 боши икки ёшга етмаган ва 409 боши бир ёшга етмаган совлиқлар ташкил этади. Уларни умум сурувга нисбатан улуши 56 фоизга тенг. Катта совлиқлар -27.9 фоиз, икки ёшга етмаган совлиқлар 16.7 фоизни ва бир ёшга етмаган совлиқлар эса 11.4 фоизни ташкил этган.

Наслдор қўчқорларни сони 10 бошни, икки ёшга етмаган қўчқорларни 872 бошни ва бир ёшга етмаган қўчқорлар сони 700 бошга тенг бўлган. Уларни сурувга нисбатан таркиби 44 фоиз бўлган шундан катта қўчқорлар миқдори 0.2 икки ёшга етмаганларни 24.3 ва бир ёшга етмаганларни эса 19.5 фоизни ташкил

этган (1-расм).



1-расм. Ўзбек гўшт-жундор кўйларини жинси ва ёши бўйича тақсимооти

Тахлил қилинган кўйлар сони, жинси ёши ва сурувга нисбатан таркиби йўналиши доирасида эмас чунки бу хўжаликда асосан этибор товар маҳсулотларни ишлаб чиқариб №49348 сонли ҳарбий қисм аҳолиси, хизматчиларини ва шунингдек аскарларни эҳтиёжини қондиришга қаратилган.

3.2. Ўзбек гўшт-жундор кўйларни тирик вазн динамикаси, гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифати.

Барча биология ва зоотехния фани фидоилари қайд этадики тирик вазн ўзгариб бориши ўсиш билан боғлиқдир. Хайвонларда, шу жумладан кўйларда, бу хусусият эмбрионал ва пост эмбрионал даврлардан иборат. Ўсиш ёш хайвонларда танасини мускулларини ўлчаб боришга катта ёшдагиларни эса ёғ моддасини тўпланиб қолишига боғлиқ бўлиб ҳисобланади ва уларни батафсил ўрганишни тақозо этади.

Бу хусусиятларни ўрганиш даврида А.М. Горюнов (1962), Ф. Джасимов (2002) ва бошқа олимлар такидлайдики унга ирсий омиллар билан биргаликда ҳаётий омиллар ҳамда урчитилаётган шароит катта таъсир кўрсатмоқда.

Е.Я. Борисенко (1967) ўтказган тадқиқотларига биноан такидлайдики барча организмнинг ўсиши ва ривожланиши организм ва ташқий муҳитни боғлиқлигида ўтади.

Шу боисдан ўсиш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунончи сурувларни ташкил этиш, янгилаш, тўлдириш ва шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш айнан бу жараёнга боғлиқ.

Бу кўрсаткични ўрганиш тадқиқот услубий қисмида келтирганимиздан тарозида тортиш натижасида ва Е.С. Борисенко (1967) услубига биноан ўрганиб борилди. Тадқиқот учун ажратилган қўйлар тортишда олдин оч қолдирилди ёки оч қоринга тортиш ишлари олиб борилди. Турли ишлаб чиқариш технологик жараёнлари даврида амалга ошириб бордик. Тортишни биз қўзилар туғилганида, оналаридан ажратганда, қирқимда, қочирилганда амалга оширдик. Тортиш натижасида олинган маълумотлар махсус журналларга қайт этилди ва маскур ишимизни 7- жадвалда ўз аксини топган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки ўзбек гўшт- жундор қўзиларни тирик вазни зотга ҳос ва талаб даражасида шунингдек қўзиларни ёши улғайган сари тирик вазни ошган. Тирик вазни бўйича қўчқорлар урғочи (ярка) қўзилардан туғилган чоғда фарқ этилган лекин ёши улғайган сари улар орасида сезиларли даражада фарқ мавжуд.

Бу фарқланиш қўзиларни оналаридан ажратиш даврида 2.2кг, бир ёшида эса 6.3 кг қўчқорлар фойдасига хал бўлган. Бу ҳолатни жинсий деморфизим билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

7-жадвал


Қибрай туманидаги №49348-харбий қисм Ўзбек гўшт-жундор қўзиларни тирик вазнини ўсиш динамикасини (n-10)

№	Қўзилар ёши	Қўзиларни жинси	
		Қўчқорлар	Урғочи қўзилар

1	Янги туғилганида	4.4	-	-	-	4.13	-	-	-
2	Оналаридан ажратилганида (4-4.5 ой)	29.4	25.0	185	568.2	27.2	23.07	170.96	558.6
3	Биринчи қирқимда (12 ой)	37.5	12.5	52.1	177.2	31.2	4.0	16.66	14.7


Оналаридан ажратилиш ва бир яшар давридаги тирик вазнлари ошган лекин деярли даражада эмаслигини қайт этамиз. Бунинг сабабини кўзиларни мустақил хаёт кечирishi ҳамда ишлов чоғида кам ва сифати яхши бўлмаган озуқаларни истемол қилишига боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Вазинларнинг ўсишини тахлили кўрсатадики кўзилар оналаридан ажратилган даврида туғилган даврига нисбатан ўз вазини кўчқорлар бўйича 6.7 баравар, урғочи кўзилар эса 6.5 бараварига оширган. 12 ойлигида эса кўрсаткич 1.3 бараварини ташкил этган. Бир ёшидаги ўсиш кўрсаткичи оналаридан ажратилган даврига нисбатан кўчқорларда 1.3 баравар, урғочиларда эса 1.1 бараварига ошганини кўрсатади. Бу кўрсаткичларига кўра шу хулосага келдикки кўзилар ёшлигида жадал ўсиб борган, ёши катталашган сари бу кўрсаткич сусайиб борган. Бу маълумотларга асосланиб такидлаш зарурки кўчқорлар ва урғочи кўзилар 4-4.5 ойлигида жуда жадал ўсган мутлоқ ўсиш тегишли равишда 25 ва 23.02 кг ташкил этган, нисбий ўсиши эса 568 ва 558.6 фоизга тенг, суткалик ўсиш эса 185 ва 170.9 грамига етган (2-расм).



Расм. 2. Қибрай туманидаги №49348-харбий қисм Ўзбек гўшт-жундор қўзиларни тирик вазини ўсиш динамикасини (n-10)

Бундаги келтирилган маълумотлар бўйича кўчқор қўзилар ургочи тенгқурларидан ўсиши бўйича устунлик қилган. Бу ҳолат кейинги ўсиш даврида ҳам сақланиб қолган бўлсада жадаллиги сусайиб кетган. Кўчқорларни мутлоқ ўсиш 12 ойлигида 12.5 кг суткалик ўсиши 52.1 грамм, нисбий ўсиши эса 177.2 фоизга етган. Ургочи қўзиларда эса бу кўрсаткичлар тегишли равишда 4.0 кг; 16.66 грамм ва 14.7 фоизга тенг (3-расм).



Расм. 3. Қибрай туманидаги №49348-харбий қисм Ўзбек гўшт-жундор қўзиларни тирик вазнини ўсиш динамикасини (n-10)

Қўзиларни ўсиши оналаридан ажратилгандан сўнг анча сусайган бунинг сабабини биз биринчидан уларни она сүтидан тўлиқ ажратилган мустақил ҳаёт кечириши ўтганидан айрим стресс омилларига дуч келганидан биламиз.

12 ойлигидан сўнг кузатувларни давом эттирмаганмиз лекин қўзиларни тирик вазинларидаги фарқлари ҳамда ўсиб боришлари текисланиб борганлиги тўғрисида кўп олимлар томонидан тасдиқланган.

Қўзиларни нафақат вазнини ёки хажмини ошиши ва кўпайишини ўргандик қолаверса тана қисимларини ҳам ўлчаш орқали ўрганиб чиқишга ёндашдик. Бу борадаги маълумотларни 8-жадвалда келтирганмиз.

8-жадвал

Қўзиларни тана ўлчамларини ўсиши.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қочқорлар			Ургочи қўзилар		
		Туғилганида	Ажратилганида	13 ой лигида	Туғилганида	Ажратилганида	13 ой лигида
Яғирини баландлиги	см	28-30	50-60	70-80	26-28	47-57	65-75
Думғаза баландлиги	см	34-37	49-55	65-75	32-35	46-53	62-70
Кўкрак айланаси	см	29-32	55-65	70-75	27-30	50-62	70-72
Кўкрак чуқурлиги	см	10-11	15-18	20-22	9-10	12-17	19-21

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики қўзиларни тана ўлчовлари янги туғилганида бир биридан фарқ этмаган, лекин тирик вазни каби омиллар ошган сари тана ўлчовлари табора ўзгариб бормоқда. Бу ўзгаришларни кузатиш натижасига биноан қўчқорларда тана қисимларида ўзгаришлар бўлмаган демокчи эмасмиз фақат қўчқорлари бу кўрсаткичлар бўйича 3-4 см ургочи қўзилардан устунлик қилганини исботламоқчимиз халос.

Келтирилган маълумотлар бўйича шундай хулосага келинадики, қўзилар ёш чоғида тирик вазни ва тана ўлчовлари бўйича жадал ўзгариб борган ва ёшлари улғайиб кетганида эса бирмунча сусайган ёки камайиб борган. Шу билан биргаликда қўзиларни жунлари ўсишига (тирик вазни, тана ўлчовлари) ижобий таъсир кўрсатади.

Қўзиларни тирик вазинлари ва тана ўлчовларини ўзгариб бориши ёки ўсиши ўзбек гўшт-жундор қўйларига мос ҳолда кечган деб ҳисоблаймиз.

Қўзилардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш, уларни қолдириб янги сурувларни ташкил этиш ва шунингдек маҳсулот ишлаб чиқаришда уларни ўсиш кўрсаткичлари билан биргаликда ривожланиш хусусиятлари муҳим ўрин тутди. Шу сабабли биз ўсиш кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш даврида қўзиларни ҳулқ-атвориға, улардаги функционал ўзгаришларға, ҳаракатланишиға ҳам катта этибор бердик.

Бу кузатувлар шуни кўрсатадики кўзилар шароитга мослашибгина озуқа истемол қилиши, кавш қайтариши ва яйловдаги ҳаракатланиши турлича бўлиб яхши, ўрта ва паст ривожланган гуруҳларга ажратилади.

Шундаги кузатувлар кўрсатадики яхши ривожланган тетик бақуват ва соғлом бўлиб ташқи муҳитга тезда мослашган яйловда кўп ҳаракатда бўлмоқда. Бу кўзиларнинг нафас олиш ритми талаб даражада бўлиб тез семириб етилган. Ўрта мейёрда ривожланган кўзилар эса яйловларда юриши, озуқа истемол қилиши, кавш қайтариши ўрта даражада айрим ҳолларда яйловда кўпроқ ётиб қолиши яхши ривожланган кўзилар билан бахслашмаган.

Нимжон кўзилар эса яйловда кам ҳаракатда бўлиб кўпинча ётиб қолган озиқлардан ва шунингдек кам озуқа истемол қилиб тенгқурларидан ривожланиши бўйича анча орқада қолганлиги кузатилади.

Бу хусусиятларга этибор берган ҳолда кўзилардан 50 фойизлари ҳам тезда кўзга ташланиши ривожланган 40 фойизи ўрта даражада ривожланган ва 10 фойизи суст даражада ривожланган бўлиб белгиланади.

Бу кўрсаткичлар қаторида кўзиларни жинсий органлари ва уларни жинсий етилишини ҳам кузатиб бордик. Шу кузатув натижаларига биноан такидлаймизки яхши ривожланган кўзиларни жинсий органлари ҳам жинсий алоқага ҳаракати бўлиши, тезроқ уйғонабошлаши кўзга ташланган.

Кўзиларни жинсий органлари, ҳулқатворидаги ўзгаришларни кузатиб боришда шуни аниқладик кўчқорлар бу урғочи кўзилардан устунлик қилмоқда, ҳулоса шундан иборатки кўчқорларни ривожланиши ёки етилувчанлиги жадалроқ ўтмоқда. Бунинг натижасида уларни насилга яроқсизларини шу йилни ўзида бордоқига боқиб семиртириш гўштга топшириш қурбига эгамиз.

Эришган маълумотларга асосланиб такидлаймиз яхши ўсиб борган эркак ва урғочи кўзилар етилувчанлиги бўйича ўрта ва суст ҳолда ривожланган кўзилардан анча устунлик қилган.

Ривожланиб боришига биз кўзиларни экстрери бўйича ҳам кузатиб ва шу ҳулосаларга келдик кўзиларни экстерерлари ҳам ўзгариб борган. Ўзгариб бориши кўзиларни жинсий ёши ва шунингдек озиқланиши ҳамда йил фасл билан боғлиқдир.

Кўзиларни ривожланиши хусусиятлари хаттоки уларни суякларидаги бўлиб ўтаётган ўзгаришлар билан ҳам белгиланади. Чунончи суякларни улғайиши, ривожланиши бевосита кўзиларни танасини шакилланишига таъсир этмоқда. Демак суяклари яхши ривожланган кўзилар остида тетик, бақуват ва кўп ҳаракатда бўлмоқда ҳамда яйловда кўп озуқа истемол қилиб жадал ўсиб ривожланган ва тезда вояга етиб маҳсулот бериш қурбига эгадир.

Бу кўрсаткичларни ўрганган ҳолда тегишли равишда кўзиларни насилга қолиш ёки қолмаслигини аниқлашга ёндошиб бормоқда.

Кузатув натижаларига ва адабиёт маълумотларига асосланиб такидлаймизки кўзиларни ривожланиши ўсиши каби жуда кўп омилларга боғлиқ ва уларни баҳолаб синфий даражасини аниқлашда жуда муҳим ўрин тутади. Ўзбек гўшт-жундор кўзиларини ривожланиши уларни жинсий органларидаги, хулқатворидаги ва шулар каби бошқа ўзгаришларни кузатиб бориш орқали аниқладик. Кўзилар ўзининг ўсиб бориши, ривожланиши шароитига кўникиши, мослашиши, ишлаб чиқариши, ишлатилиши бу йўналишда қўйларга хос ёки исталган типга жавоб берадиган бўлиб ҳисобланади.

Шу боисдан кўзиларни ривожланиши хусусиятларидан келиб чиқиб келажакда улардан фойдаланишни белгилайди бу хусусиятларга катта этибор берилиши тақозо этади.

Ўзбек гўшт-жундор қўйларининг семизлик даражаси уларни хулқатворига, ҳаракатига ва шунингдек яйлов шароитида асраш ва боқилишига ва унда кўникмаларни ҳосил бўлишига боғлиқ. Шу боисдан эркак ва урғочи қўйлар орасида бу кўрсаткич бўйича диярли фарқни кузатмадик. Шунда ўзбек гўшт-жундор қўйлари тахминан 20-25 фоиз ўртадаги юқори, 60-65 фоизи ўрта, қолган 10-20 фоиз ўртадан паст семизлик билан характерланади.

Ўзбек гўшт-жундор қўйларини тирик вазн динамикаси билан бир қаторда уларни асосий вакилларини гўштга сўйиш ва гўшт кўрсаткичларини ўрганишга ёндошдик.

Қўйларни гўшт маҳсулдорлигига адабиёт маълумотларига кўра, уларни парваришлаш, боқиш ҳамда ирсий хусусиятлари таъсир кўрсатмоқда. Қўйчиликда гўшт ишлаб чиқаришга асосан насилга яроқсиз ёш шу йилдаги кўзилар, қари

қўйлар ва шунингдек ахталанган қўчқорлар ишлатилади.

N49348 сонли харбий қисмни хўжалиги тоғ, тоғ олди минтақасида жойлашганлиги сабабли бой яйловларга эга шу боисдан барча гўштга яроқли қўйлар шу яйловларда яйратилиб семиртирилгандан ва оддий хўжалик шароитида боқилгандан сўнг гўшт етиштиришда ишлатилади.

Бу усулда семиртирилган барча жинс ва ёшдаги қўйлар гўштга топширишдан аввал махсус хужжатларга акс эттирилади. Бунда қўйларни бош сони тирик вазни, хўжалик номи, маъсул ходимни фамилияси, юборилаётган транспорт воситаси, унинг давлат рақамида (номери) ва шунингдек йил, ой ва сана ўз аксини топади ва хўжалигини муҳири билан тасдиқланади.

Хужжатлар тўлдирилгач қўйлар сўйилиш учун махсус қушхонага жўнатилади ва умумий қоидага биноан топширилиб сўйишга хозирланади. Гўштга топшириладиган қўйларни семизлик даражаси ўртадан юқори ва ўрта даражада ва шунингдек соғлом ва турли касалликлардан озод бўлишини тақазо этади. Транспорт воситасида олиб келинган ва тегишли равишда сўйишга қабул қилинган қўйлар махсус жойларга жойлаштирилади ва сўйишга,(ВИЖ-1972) тайёрланади.

Қушхонага топширилган қўйлар 24 соат давомида оч тутилади ва бу давирда қўйларга мутлақо озиқа берилмайди, улар фақат охирларга солинган туз ва сувдан фойдаланади. Бу технологик жараёни ўтказилиши қўйларни қорнида озиқ қолдиқларини хазм бўлиши тезлашади ва овқат хазм қилиш системаси тозаланишга эришилади. Қолаверса бу технологик жараёни ўтказилиши сифатли гўшт олинишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу тадбирни ўтказилиши юқорида қайд этганимиздек сифатли гўшт етиштириш имконини беради, чунончи уларни қушхонага олиб келишда йўлда силкинади, бир-бирини сузади, шохлайди ва тан жарохатини етказиши ва бу ишлар эвазига қўйлар чарчайди. Сўйим чоғида уларни қонсизлаштириш жараёни яхши ўтмайди, қон баданига тарқалган ва ажралиб чиқиши қийн кечмоқда.

Бу технологик жараёнларни олиб борилишини мақсади қўйларни организми озиқ қолдиқларидан тозаланади ва нимталарни бузилишига йўл қўймайди. Сифатли ва истемолга мақбул гўшт ишлаб чиқилади.

Бу технологик жараёнини ўтишда барча жинс ва ёшдаги қўйлар ўз хажмини тегишли равишда пасайтирган ва бу тўғридаги маълумотлар 9 жадвалда келтирилган.

9- жадвал

Гўштга топширилган ўзбек гўшт-жундор қўйларни оч тутилиши натижасида тирик вазни ўзгариши (п -5)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қўй гуруҳлари			
		Катта ёшдаги қўйлар	Совли қлар	Ахталанган қўчқорлар	Насилга яроқсиз 7-9 ойлик қўчқорлар
1	2	3	4	5	6
Сўйишга топширилган қўйлар сони	бош	471	832	498	1250
Сўйишга	кг	64.8	54.8	54.0	42.2

топширган тирик вазни					
Оч тутиш эвазига тирик вазни камайиши	кг	4.6	4.06	5.4	2.9
Сўйишга топширган тирик вазнига нисбатан камйиши	%	7.6	8.5	10.0	7.0

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки турли жинс, ёш ва озикланиш шароитидаги қўйлар оч тутилиши натижасида тирик вазнини пасайишига асос бўлган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки бугунги кунда хўжаликда 832 бош ўзбек гўшт-жундор совлиқлари, 471 бош ўзбек гўшт-жундор қўчқорлари, 498 бош ўзбек гўшт-жундор ахталанган қўчқорлар ва шунингдек 1250 бош наслга яроқсиз бўлган 7-9 ойлик қўчқорлари гўштга сўйилган.

Сўйилган қўйларни трик вазни ва уларни кўрсаткичлари меъерий даражада бўлиб адабиёт маълумотларига тенг бўлиб ҳисобланади. Олинган маълумотларга асосланиб таъкидлаймизки 24 соат оч тутилиши даврида қўйларни тирик вазнини мутлоқ ва нисбий ўзгариши табиий хол бўлиб қўйларни жинсига, ёшига боғлиқ. Шунда ёш қўзиларни вазн ўзгариши кам, ахталанган қўчқорларни кўп, катта ёшли қўчқорлар ва совлиқлар оралиқ масофада бўлган деб ҳисоблаймиз.

Демак қўйларни гўштга топшириш учун ўтказиладиган технологик жараёнлар мҳим аҳамиятга эга бўлиб жиддий ёндошишни тақозо этади.

Қўйларни гўшт маҳсулдорлигини таҳлил этиш учун тажриба режасида кўрсатилган ҳар бир гуруҳдан 5 бошдан қўй ажратилди. Сўйиш Чирчиқ гўшт комбинатида ўтказилди ва бу жараёни ўтказишда биз ВИЖ-1972 методикасига асосландик. Илк бор улар бўғозлаб тўлиқ қонсизлантиришига эришилди, чунки

кўйни танасида қон қолиб кетса гўштнинг рангига, сифатига ва миқдорига салбий таъсир этади. Бинобарин қон қўй гавдасидан тўлиқ чиқарилмаса гўшт миқдори ошади, лекин сифати пасаяди ва нимтани бузилишига олиб келади.

Кўйларни сўйиш технологиясига амал қилган ҳолда биз уларни нимат гўшти, ички ва ташқи ёғларни, ҳамда сўйим вазнларини ва уларни чиқимини аниқлашга ёндошдик. Бу кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар 10-жадвалда келтирилган.

10 жадвал

Ўзбек гўшт-жундор кўйларни гўшт маҳсулдорлигини тахлили (n -5)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўй гуруҳлари			
		Катта ёшдаги кўйлар	Совлиқлар	Ахталанган кўчқорлар	Насилга яроқсиз 9 ойлик кўчқорлар
Сўйишга топиригандаги тирик вазни	кг	64.8	54.8	54.0	42.2
Сўйишдан олдинги тирик вазни	кг	60.2	50.2	48.6	39.3
Олинган нимта гўшт	кг	33.1	25.6	24.9	19.3
Нимта гўштни чиқими	%	55.0	50.9	51.2	49.1
Олинган ёғ	кг	7.4	5.02	5.4	3.9

Ёғни чиқими	%	12.0	10.0	11.1	9.1
Сўйим вазни	кг	40.5	30.62	30.3	22.9
Сўйим чиқими	%	67.0	60.9	62.3	58.2

Жадвалдан (10) кўринадикки тажриба олиб борилган қўйларни гўшт маҳсулдорлиги юқори кўрсаткичлар билан ҳарактерланади ва қўйларни жинсига ёшига ва озиклантириш даражасига боғлиқ.

Бунда нимта вазни қўйларни танасини йириклиги ва хажмига боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Бинобарин катта ёшдаги қўйлар бундан олдинги тирик вазни 60.2кг бўлиб 33.1 кг нимта гўштини 7.4 кг ёғни ва уларни сўйим вазни 40.5 кг ташкил этган уларни чиқими эса тегишли равишда 55,0; 12,0 ва 67,0 фоизни ташкил этган.

Тажрибадаги совлуқларда эса бу кўрсаткичлар қуйидагича характерланган нимта гўштини оғирлиги 25.6 кг, ёғини оғирлиги 5.02 кг, сўйим вазни 30.62 кг ташкил этган, уларни чиқими эса 50.9; 10.0 ва 60.9 % га тенг бўлган.

Ўзбек гўшт-жундор ахталанган қўчқорлари ва 7-9 ойлик қўзи қўчқорларидан тегишли равишда 4.9 ва 9.3 кг нимта гўшти, 5.4 ва 3.9 ёғ олинган сўйим вазни эса 30.3 ва 22.9 кг ташкил этган, бу кўрсаткичларни чиқими ахталанган қўчқорларда 62.3; 1.8 ва 58.2% ни ташкил этган.

Гўшт маҳсулдорлиги бўйича ўзбек гўшт-жундор катта ёшдаги қўчқорлари кўрсаткичлари юқори бўлган, 7-9 ойлик жундор қўйларни қўчқорлари кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган ва оралиқ масофани бунда ахталанган қўчқорлар ва совлиқлар эгаллаган.

Барча қўйларни гўшт маҳсулдорлиги яхши ҳолатда бўлган ва асосан 1 категорияга киритилган, 2 категорияга қўйларни бўйнини сўйилишини олдини орқа қисми ҳамда ва олдинги оёқларини тизза ва тирсак бўғимларидан пастки қисимлари киритилган. 1 категорияга киритилган гўшт 1 навга ажратилган ва 2 категориядаги қисимларни эса иккинчи навга киритилган. Қўйлардан олинган гўшт семиз ва товар ҳолати яхши бўлган.

Харбий қисимда қўй маҳсулотлари билан бир қаторда улардан олинаётган субпрадукталар жуда муҳим ўрин тутди.

Шу боисдан харбий қисм хўжалигини ўзбек гўшт-жундор қўйларининг гўшт маҳсулдорлиги миқдорини чиқимини ва сифатини аниқлаш билан биргаликда

улардан олинган субпродукталар ҳам таҳлил қилиб борилади. Бунда улар 1 ва 2 категорияларга бўлиб ўрганилади. 1-категорияга кўп жихатдан истемол буладиган жигар, юрак, буйрак, тил, талоқ, диафраграмма каби субпродукталар киритилади; 2-категорияга эса калла ва оёқлар киритилади. Ишлаб чиқаришда булар жундор маҳсулотлари деб номланади. Қўйларни сўйиш дарида улардан олинган бир ва икки категориядаги субпродукталар миқдорини аниқланиши ва тоифаларга бўлиб чиқимини белгилаш тўғрисидаги маълумотларни 11- жадвалда қайт этирганмиз.

11 жадвал

Ўзбек гўшт-жундор қўйлардан олинган субпродуктлар (n -5)


Кўрсаткич-лар	Ўлчов бирлиги	Қўй гуруҳлари			
		Катта ёшдаги қўйлар	Совлиқлар	Ахталанган қўчқорлар	9 ойлик қўчқорлар
1	2	3	4	5	6
Жигар	кг	0.51	0.42	0.40	0.34
Юрак	кг	0.35	0.29	0.25	0.14
Буйрак	кг	0.23	0.20	0.20	0.12
Тил	кг	0.28	0.25	0.25	0.15
Толоқ	кг	0.31	0.26	0.24	0.15
Ўпка	кг	0.58	0.47	0.45	0.27
Диафрама	кг	0.24	0.22	0.20	0.12
Калла	кг	3.07	3.24	3.20	1.90
Оёқлар	кг	3.10	2.80	2.70	1.50
Субпродуктлар жами вазни	кг	9.20	8.20	7.89	4.69
Шундан: 1 тоифали	кг	2.53	2.11	1.99	1.29

2-тоифали	кг	6.67	6.09	5.9	3.4
Субпродук-талар жами чиқими	%	15.6	16.9	16.50	12.60
Шундан: 1 тоифали	%	4.3	4.4	4.17	3.46
2-тоифали	%	11.3	12.5	12.33	9.14

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки ўзбек гўшт –жундор қўйларидан кўп миқдори истемолга яроқли субпродукталар олиш мумкин.

Бу кўрсаткич қўйларни туслари бўйича фарқ этмайди лекин ёши ва жинси бўйича фарқланади. Шундан келиб чиқиб такидлаймизки катта ёшдаги қўчқорларидан 9.2 -8.91 кг қўй гўшит маҳсулотлари олинган. Уларнинг чиқими эса 15.6 ва 15.2 фоизни ташкил этган. Тоифалар бўйича бу қуйидагича бўлган.

1-тоифа 2,53 кг; 2-тоифа 6.67кг чиқими эса тегишли равишда 4.3 ва 11.3 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар бўйича пастки ҳолатни 7-9 ойлик қўзи қўчқорлари эгаллаган. Шунда қора туслилардан 4.87 кг жами қўй гўшт маҳсулотлари олинган, чиқими эса 13.01 фоизни ташкил этган, тоифаларга тақсимлашда бу кўрсаткич қуйидагича бўлган. 1-тоифада 1.35 кг; 2-тоифа 3.52кг; чиқими тегишли равишда 3.6 ва 9.41 фоиз бўлган (4-расм).



Расм. 4. Ўзбек гўшт-жундор қўйлардан олинган субпродуктлар (n -5)

Бу кўрсаткичлар бўйича совлиқлар ҳар иккала тус бўйича оралик масофанинг эгаллаганини 3.2.3 жадвалда кўриш мумкин.

3.3 Ўзбек гўшт –жундор қўйларни жун маҳсулдорлиги ва унинг сифати

Ўзбекистон тоғ ва тоғ олди ҳудудидаги думбали гўшт-ёғдор қўйлар инглиз маданий юқори маҳсулдор қўйлар билан чатиштириш натижасида янги йўналиш вужудга келган ва уларни жун маҳсулдорлиги ҳам ўрганиб боради.

Жун қишлоқ хўжалик хайвонларидан олинаётган соч, ҳамда жун деб юритилади ва ишлаб чиқаришда бу маҳсулот қўй, эчки, туя ва лама каби хайвонларини қирқиш эвазига ишлаб чиқарилади. Жун қўй танасини қоплаб уни турли табиий омиллардан (иссиқ, совуқ, ёмғир, қор ва ҳ.к.) сақлайди. Жун қўй танасида эмбрионал даврини 60-70 кунлигидан бошлаб ўсади ва кўзи туғилганида танаси тўлиқ жунга қопланган бўлади. Жун толаси ўзини хаёти давомида ўсиб ривожланиши хусусиятлари билан характерланади. Жунинг ўсиши ва ривожланиши турли омилларга боғлиқ. Шунини инобатга олган ҳолда тажрибага ажратилган қўйларни жун маҳсулдорлигини аниқлашда унинг зичлиги, ёғлилиги

миқдори ва сифати муҳим ўрин тутади ва аниқлашни тақозо этади.

Тадқиқотдаги ўзбек гўшт жундор қўйларни асосий ишлаб чиқариш вакиллари жун оқ тусда бўлиб штапель холдадир кўпларни жун биртекис бўлиб кроссберд гуруҳига киритилади. Қўйларни жунини асосий кўрсаткичларидан бири унинг зичлиги бўлиб ва қўйларни белида, ён бошида ва қисмларида пайпаслаб аниқланиб берилди. Жунларни зичлиги қўйларни зотига, жинсига, ёшига, индивидуал хусусиятига ҳамда озикланишига боғлиқ. Қолаверса шу омилар қаторида йилнинг мавсуми ҳам таъсир этиш билан характерланади. Г.Р.Литовченко, Ф.А. Есаулов (1972) ўз тажрибаларига асосланиб қайт этадики қўйларни бўғозлиги жун толасини ўсишини тўхтатади. Таҳлил қилинаётган қўйларни жунни зичлиги бир биридан фарқ қилган бунга хаттоки танасини қисми, ёши ва жинси таъсир этганини кўришимиз мумкин. Бу қўйларни жун толаси асосан майин ва тивит толасидан ташкил топган бўлсада кам миқдорда қилтик тола ҳам учрайди.

Жунини зичлиги бўйича ёш қўйлар қариларига нисбатан устун туради. Ўзбек гўшт-жундор қўйларини 60 фоизини жун зич 35 фоизини жун зичлиги ўрта меёрада қолган 15 фоиз қўйларни жун сийрак бўлган.

Қўйларни танаси бўйлаб жун толаларини жойлашиши ва зичлиги бир текис эмас. Қўйларда энг зич жун толаси танасинининг ён боши ва кўкрак қисимларида жойлашади. Бел қисмида эса жунлари сийрак бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда таҳлил қилинаётган қўйлар орасида жунини зичлиги бўйича фарқ мавжуд қолаверса бу фарқни унинг узунлиги ва йўғонлиги бўйича ҳам кузатиш мумкин. Шу боисдан биз тадқиқот олиб бораётган қўйларни жун толасини узунлигини ўрганишга ёндошдик бу тўғридаги маълумотлар 12-жадвалда акс эттирилган.

12-жадвал

Ўзбек гўшт-жундор қўйларини жун толасини узунлиги

		Тана қисимлари

Қўй гуруҳлари	Ўлчов бирлиги	Ўн биқини					
		Табий	Ҳақоний	Табий	Ҳақоний	Табий	Ҳақоний
Катта ёшли қўчқорлар	См	13.0	14.0	13.8	15.1	13.5	14.0
Совлиқлар	См	14.0	15.0	14.8	6.0	13.0	13.2
Бир яшар қўчқорлар	См	14.5	15.6	15.0	15.9	14.0	15.0
Бир яшар совлиқлар	См	15.0	15.0	15.7	16.5	14.5	15.5

Жадвалдаги маълумотларни таҳлили кўрсатадики ўзбек гўшт-жундор қўйларидан қирқилган жунлар табиий ва ҳақиқий узунлиги бўйича фарқ мавжуд ва бунда жунларни ҳақиқий узунлиги барча ҳилдаги қўчқорлар табиий нисбатан устунлик қилади. Тажрибамиздаги қўйларнинг турли тана қисмидаги жунларни узун бир текис эмас. Энг узун жун қўйларнинг ўнг биқинида ундан кейин курагида ва энг калта жунлари белида ўсмоқда. Узунлиги бўйича турли ёшдаги қўйлар орасида жуннинг узунлигида катта фарқ мавжуд.

Совлиқ қўйлардан қирқилган узунлиги бўйича бошқа жинсдаги ва ёшдаги тенгқурларидан нисбатан бироз устунлик қилади, бу фарқ ҳар гуруҳ орасида тахминан 1.0-1.5 см ни ташкил этмоқда.

Қўйларни ёши бўйича бу кўрсаткични олиб кузатадиган бўлсак, энг калта бу катта ёшли қўчқорларнинг жунидир, 1 ёшдаги қўзилар жунинг узунлиги бўйича оралик масофани эгаллаган. Олган маълумотимизга асосан тасдиқлаймизки қўйларнинг жунининг узунлигига уларнинг ёши ижобий таъсир этган, лекин ёшини таъсирга келадиган бўлса, албатта уни чегарасини аниқлаш зурур.

Олган маълумотларимиз шуни тасдиқлайди ва бу чегара 5 ёшдан сўнг бўлиб ҳисобланади. Жуннинг узунлигига унинг ўсиши муддати ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Боҳордаги жунларни ўсиш муддати узоқ бўлганлиги сабабли куздаги

жунлардан узунлиги бўйича устунлик қилган.

Биз ўрганган омиллар жун толасини узунлигига таъсир этиш яна бир бор тасдиқланади. Шунинг учун қўйларни урчитишда ва улардан жун ишлаб чиқаришда бу омилларга амал қилиш зарур ўзбек гўшт-жундор қўйлар бугунги кунда саноат талабига муофиқдир, чунки қўйлар жунинг қўрсаткичлари майин ва биртекис кроссборд бўлиб ҳисобланади. Жунларнинг миқдори ва сифати бевосита унинг йўғонлигига боғланган бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли тажрибадаги ўзбек гўшт-жундор қўйларни жунларини зичлигини, узунлигини ўрганиш қаторида унинг йўғонлиги ҳам ўрганиб чиқилади. Турли жинс ва ёшдаги ўзбек гўшт-жундор қўйларини жунинг йўғонлиги 13- жадвалга ўз аксини топган.

13-жадвал

Ўзбек гўшт-жундор қўйларини жун толаларини йўғонлиги (n-5)

Қўйларнинг ёши	Жун толаларини йўғонлиги (мқ)	
	Баҳорда	Кузда
Тивит тола		
Катта ёшли қўчқорлар	25.0±0.2	24.4±0.5
Совлиқлар	24.8±0.3	23.0±0.4
Бир ёшдаги қўзилар	25.0±0.4	23.5±0.5
Бир ёшдаги совлиқлар	25.01±0.2	24.5±0.4
Оралик тола		
Катта ёшли қўчқорлар	33.0±0.3	33.5±0.4
Совлиқлар	31.4±0.2	32.0±0.5
Бир ёшдаги қўчқорлар	33.5±0.2	33.0±0.5
Бир ёшдаги совлиқлар	34.0±0.4	33.4±0.4
Қилтиқ тола		
Катта ёшли қўчқорлар	43.0±0.6	42.5±0.4
Совлиқлар	40.6±0.3	40.2±0.2
Бир ёшдаги қўчқорлар	41.3±0.4	41.5±0.2
Бир ёшдаги совлиқлар	42.6±0.2	42.0±0.4

Жадвалдаги маълумотларга таяниб тадқиқотимиз тивит толаси оралик ва қилтиқ толалари йўғонлиги бўйича юқори сифат билан ифодалади. Шундай бўлсада бу қўйларни жундаги оралик ва қилтиқ толалари дағал ва йўғондир.

Жунларнинг йўғонлиги қирқим оралиғига ҳам боғлиқ, баҳорги жунлар кузги жунга нисбатан майин ва ингичка бўлиши тасдиқланган.

Шунингдек қўйларнинг жунинг йўғонлиғига уларни жун толаси ва қирқим фасли ижобий таъсир кўрсатгани аниқланди. Қўйларни жунларни йўғонлигини уларнинг ёши ва жинси бўйича таҳлил қилинганда албатта катта ёшли кўчқорларни ва совлиқларни жуни бошқа гуруҳдаги қўйлар жунидан ингичкадир буларнинг орасида 2-2.5 мм га тенг бўлган.

Олинган натижаларга асосан шуни айтиш лозимки тадқиқотдаги қўйларнинг жунлари йўғонлиғига жун толаси ва қўйларни ёши ижобий таъсир этган энг ингичка жунлар совлиқларни жунидир, қолган гуруҳга нисбатан майин бўлиб ҳисобланади ва бундан бир яшар қўйлар (эркак ва урғочи) бу кўрсаткич бўйича оралик масофани эгаллайди. 5 ёшдан ошгандан сўнг қўйларни жуни майинлашиб қолади ва ингичка бўлиб қолади ва бу ҳолат ўз навбатида унинг узунлиғига, қалинлиғига ва миқдorigа салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли бу ёшдан ошган қўйлар сурувда фойдаланишга яроқсиз ҳисобланади ва бўрдоқига боқилиб гўштга топширилиши ташкил этилади. Кузатилган натижалар шуни кўрсатадики ўзбек гўшт-жундор қўйлар жунини майинлиги бўйича деярли бир-бирига яқин бўлсада улар ёши ва жинси ҳамда қирқим урчитиш мавсумига фарқ этмоқда, кузда олинган жун йўғонлиги бўйича баҳордагига нисбатан фарқ этади ва моил деб ҳисобланади.

Ўзбек гўшт –жундор қўйларни жунларини зичлиги, узунлиги ва йўғонлигини яқунлар эканмиз қайд этамиз улар ирсий хусусият ва шундай қўйларни ёши, жинси, қирқим фасли ва шунингдек уларни озиклантириш шароитига боғлиқ.

Жун толасини зичлиги, узунлиги, йўғонлиги билан биргаликда уларни миқдори ва сифат кўрсаткичлари ўрганиб борилди ва бу тўғрисида тўпланган маълумотлар 14- жадвалда ўз аксини топган.

Ўзбек гўшт-жундор қўйларни жун қўлами, тоза чиқими ва майинли бўйича сифати

(И.А.Тапильский маълумотлари -1982)

Қўй гуруҳлари	Қирқилган жун қўлами			Майинли к сифати	Жунларни синфи -сифат	
	Ифлос кг	Тозаланган н кг	Тоза чиқими %		I класс	II класс
Катта ёшли қўчқорлар (n-20)	4,2	2,5	58	58	8	12
Совлиқлар (n-20)	3.9	2.2	56	56	6	14
Бир яшар қўчқорлар (n-20)	3.4	1.7	50	50	6	14
Бир яшар совлиқлар (n-20)	3.1	1.5	48	48	8	12

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб қайд этамизки ўзбек гўшт-жундор қўйлар катта ёшли қўчқорлардан 4.2 кг жун қирқиб олинган толасини тоза чиқими 58 фоизни ёки 2.5 кг бўлган. Совлиқлардан тегишли равишда 3.9 кг ифлос ёки 2.2 кг тозаланган жун олинган чиқими эса 56 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич бир яшар совлиқларида тегишли равишда 3.1 кг -1.5 кг ва 48 фоизни ташкил этган. Бир яшар қўчқорлар оралиқ масофани эгалаб 3.4 кг ифлос 1.7 кг тоза жун берган толасини тоза чиқими эса 50 фоиз бўлган, бунда катта ёшли қўчқорлар ва совлиқлар устунлик қилган. Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики қўйлардан олинган жунлар асосан 1 ва 2 классларга ажратилган лекин бунда шалтоқи

жунлар ҳам мавжуд ва умумий жуннинг 3.5-4 фоизга тенгдир. Жуннинг табақалаш натижаси кўрсатмоқдаки совлиқлар тенгқурларидан устун келган. Совлиқлардан олинган жунларнинг 30-35 фоизи 1 классга муофиқ 65-60 фоизи 2 классга ва 5 фоизи шалтоқи жунни ташкил этган.

Демак кўйларнинг жунларини кўлами толасини тоза чиқими ва табақалаш натижаси кўрсатадики барча кўйларни жунининг сифати уларнинг ёшига ва кирқиш фаслига ва озикланиш даражасига боғлиқ.

Давлатга жунларни харид бўлиши маълум бир прескурант бўйича амалга оширади. Бу прескурант бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим. Корхонага стандарт талабига жавобан берадиган сифатли ва шартномада кўрсатилган миқдорда жун етказиб бериш. Жунларни ассортиментга кўра классларга ажратиш, тоза жун миқдорини аниқлаш, жунларни талабга биноан тайинлаб маркировка қилиш.

Ҳар бир бош кўйдан олинган миқдорини таҳлил қилар эканмиз шуни такидлаш зарурки бу кўрсаткич кўйларнинг жинсига, ёшига, ўсиш муддати каби омилларга боғлиқдир. Бинобарин насли кўчқорларда бир йилда 4.2-5.0 кг, совлиқларда эса 3.5-4.0 кг бир ёшдаги кўчқорларда 3.4-3.7кг совлиқларидан эса 3.0-3.5кг жун олинади.

3.4 Совлиқларни пуштдорлиги ва сут маҳсулдорлиги.

Турли тойифадаги кўйчилик хўжаликларида кўзилатишни ташкил этиш ва соғлом, бакуват кўзи олиб ўстириш жуда муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади. Соғлом кўзи олиб ўстириш хўжаликда кўй туёғини кўпайтириш ва шунингдек сурувларни шакиллантириш, таъмирлаш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятни касб этади. Шу хусусиятларни инобатга олган ҳолда биз Қибрай туманидаги №49348- сонли харбий қисим ёрдамчи хўжалигида урчитилаётган ўзбек гўшт-жундор совлиқларини пуштдорлигини ва кўзиларни ҳаётчанлигини ўрганишга ёндошдик.

Бу технологик жараёнда эришилган маълумотлар кўрсатдики жами бўлиб хўжаликда 1700 бош совлиқлар мавжуд ва уларни 1079 боши кўчқорларни уруғи

билан уруғлантирилган.

Совлиқларни қўзилаш эса қуйидагича бўлган хўжалик усулида қочирилган ўзбек гўшт-жундор совлиқларидан 1079-та қўзи олинган шунда иккта қўзи нобуд бўлган ва соғлом қўзи сони 1077 бошни ташкил этган. Оналаридан ажратиш даврига келиб қўзилар тўлиқ сақланилган шу боисдан умумий туқан совлиқга нисбатан бунда қўзиларни сақланувчанлиги $((1077*100):1079)$ 99.8 фоизни ташкил этган.

Ўз ишимиздан совлиқларни пуштдорлиги билан биз уларни сутдорлигини ўргандик чунки ишимизни олиб борилишини асосий мақсади Ўзбекистон тоғ ва тоғ олди минтақаларида сут қўйчилигини барпо этиб сифатли сут ишлаб чиқариб, аҳолини бу маҳсулотга бўлган талабини қондириш бўлиб ҳисобланади.

Қўйлардан сут соғиб олиш Ўзбекистон шароитида чуқур илдизларга эга бинобарин барча қорақўлчилик хўжаликларда қўзиси терига сўйилган совлиқлар соғилиб сут етиштирилиб давлатга топширилади. Бу тадбирни ўтказилиш санитария ва гигиена жиҳатидан самарали бўлган ва совлиқларни турли елин касалликлардан сақлашга эришилганлиги билан биргаликда совлиқлар ўзини тез тиклаб олган ва такрорий ишлаб чиқаришда ишлатилиши тайёр бўлган.

Бу тадбирлар орқали Ўзбекистонда жуда кўп сифатли сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши меёрий даражада бўлган. Лекин сўнги йилларда қўйларни соғилиши мутлоқо йўқ бўлиб кетган. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Биринчидан қўйларни соғиш жуда оғир жараён, чунончи уларни сўрғичлари кичкина ва жун орасида кўринмайди. Иккинчидан уларни соғиш кўп оғир меҳнат билан боғланган.

Қўйларни соғиш учун илк бор уларни елин атрофидаги жунлари қайчи билан қирқиб олинади, соғим даврида уларни елинлари илиқ сув билан ювилиб тоза сочиқ билан артилади. Бу тадбирларни тўғри ташкил этилиши қўйларни сутига ижобий таъсир этади ҳамда экологик тоза ва сифатли сут ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Қўйларни соғиш учун махсус жой ажратилиши тақазо этади, унда соғим мосламаси ўрнатилган соғим мосламига совлиқлар киритилади ва соғиб бўлгандан

сўнг чиқариб юборилади.

Тажрибада илк бор совлиқларни соғим чоғида уларни сутини миқдорини аниқлашга ёндошдик кўйларни соғишда Молдавия услубидан фойдаландик, бунда ҳар бир соғиладиган совлиқларни елини кафт орасига олиниб йўқоридан пастга қараб сиқиб борилади, баъзи холларда совлиқларни сутини тўлиқ соғолмаганимиз туфайли сўрғичларини муш орасида сиқиб тўлиқ соғишга эришдик.

Адабиёт маълумотларига биноан (П.В. Кучнев (1986)) сутни таркибида 100 ортиқ тўйимли моддалар мавжуд ва ҳар бир модда сутга олохида хусусиятни бахшида этади. Масалан ёғ моддаси сутни нозиклигини, канд моддаси ширинлигини, оксил ва минерал моддалар сутни таъминишни ҳосил этади.

Шуларни инобатга олиб биз совлиқларни сут махсулдорлигини илк бор органолептик хусусиятларини аниқлашга ёндошдик. Олиб борилган кузатув ишлари кўрсатдики совлиқларни сутини ранги оқ-сарғич лекин соғим муддатида сўнг сақланган сутни ранги ўзгариб бориб ўз зичлигини, таъмини йўқатмоқда.

Кўйларни сут махсулдорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ, булар қаторига, кўйларни зоти, зотдорлиги озикланиши ва асраш шароити, соғим мавсуми, давомийлиги, яйлов шароити ва шунингдек индивидуал хусусиятлари билан ифодаланади. Соғим мавсуми, давомийлиги, яйлов шароити ва шунингдек индивидуал хусусиятлари билан ифодаланади.

Соғим даврини биринчи декадасида тадқиқот остида бўлган совлиқларни сутдорлигини ўрганиб қайд этамизки соғим бошида сут қуюқ ҳамда сорғич, биринчи соғим ойининг охиридан бошлаб унинг қуюқлиги пасайиб боради ва рангини сариғлиги ҳам йўқолади. Бинобарин сутнинг миқдоридаги ёғ моддасини миқдори камайиб боради ва шунинг эвазига ранги оқаради. Соғим даврининг охирларига келиб сут яна қуюқлашиб боради, ранги сарғаяди, демак сутни таркибида қуруқ ва ёғ моддасини миқдори кўтарилади. Бу хосиятлар, совлиқларнинг яйлов шароитида озиклантиришига боғлиқ деб биламиз.

Сутни таъмини ўрганиш натижасига асосланиб қайд этамизки илк соғим даврида озгина таҳир бўлиб ўзига ҳос хид беради. Шундай бўлишига қарамасдан унинг мазаси ёқимли ва истемолга яроқли бўлиб ҳисобланади.

Органолептик кўрсаткичлари бўйича сут тўғрисида фикримизни яқунлар

эканмиз такидлаймиз бу маҳсулот қўйларни ёшига, зотдорлигига ва шунингдек озуклантириш шароитига боғлиқ.

Бу кўрсаткичларни ўрганилган гуруҳлар бўйича таҳлил этарэканмиз такидлаймизки ўзбек гўшт-жундор совлиқлари сутнинг таварлик хусусиятларини белгилайди ва ундан турли сут маҳсулотларини ишлб чиқаришда фойдаланишини ифодалайди.

Барча совлиқларни сутининг органолептик кўрсаткичларни ўрганиш билан биргаликда уларни сут миқдорини ҳам ўрганишга ёндошдик. Бу ишларни олиб бориш учун совлиқлар қўзилагандан сўнг икки ой ўтгандан кейин амалга оширилди. Демак қўзилар икки ойлигида оналаридан ажратилди. Қўзилари ажратилган совлиқлар эса соғилиш имконини беради. Совлиқларни сутдорлиги ёки сут соғим даври ўрта ҳисобда 78 кун давом этади ва бу даврда соғиб олинган сут тўғрисидаги маълумотлар 15- жадвалда акс этирилган.

15-жадвал

Совлиқлардан назорат соғим даврида олинган сут миқдори (n-20)

Со ғил-га н ойлар	Ўзбек гўшт-жундор совлиқлари иккинчи туғиш ёши			Ўзбек гўшт-жундор совлиқлари учинчи туғиш ёши			Ўзбек гўшт-жундор совлиқлари тўртинчи туғиш ёши		
	Назорат соғим ўтказилган кунлар								
	1	10	20	1	10	20	1	10	20
Май	200	300	350	400	510	690	350	460	520
Июн	350	300	250	1360	1262	1212	831	958	815
Июл	200	150	100	1225	1100	1027	1100	968	694

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики май ойининг биринчи декадасида

хар учала гуруҳни сутдорлиги сўнги декадаларга нисбатан анча паст, бинобарин соғимнинг биринчи декадасида иккинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқларда 200грамм, учинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқларида 400грамм, тўртинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқларида эса 350граммни ташкил этган.

Соғимнинг иккинчи декадасидан бошлаб совлиқларни сутдорлиги тобора ошиб борган ва бунда иккинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқларида кунлик соғим 350 граммни ташкил этган, учинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқларини бир кунлик сут бериши 510 граммни ташкил этган, тўртинчи туққан совлиқларида бу кўрсаткич 460 граммни ташкил этган.

Соғимни учинчи декадасида совлиқларни сут бериш қобилияти ошган ва тегишли равишда 350, 690, 520 грамми ташкил этган.

Июн ойининг бошидан бошлаб совлиқларни сут бериши иккинчи туққан совлиқларда 3-4 баробар ошган. Бу кўрсаткичнинг 350-250 грамиини ташкил этган учинчи туққан совлиқларда эса 1360-1212 граммни, тўртинчи туққан совлиқларида эса 831-958-815 граммни ташкил этган.

Июл ойида ҳар учала гуруҳдаги совлиқларни сут бериши аста секин камайиб борган ва тегишли равишда 200-100; 1225-1027; 1100-694 граммни ташкил этган.

Бу кўрсаткичлардан келиб чиқиб такидлаймизки совлиқларни сут маҳсулдорлиги илк бор тахлил этилган қўйларни ирсий хусусиятига сўнг эса асраш шароитига боғлиқ. Бинобарин назорат соғими шуни кўрсатдики ўзбек гўшт-жундор совлиқлари юқори сут бериш қобилияти турлича шунда иккинчи туққан ўзбек гўшт-жундор қўйларни сут маҳсулдорлиги эса паст, учунчи ва тўртинчи туққан совлиқларини сутдорлиги юқоридир ва бешинчи туғиш ёшидан бу қўйларни сут бериш қобилияти пасайиб бориши кузатилмоқда (И.А. Тапильский, М.Х. Хайдаров Я.П. Сон (1982)).

Назорат остида бўлган совлиқларни нафақат кунлик сут бериш хусусиятларини ўргандик, биз улардан кўзиларни ажратиб олгандан то лактация даврини охиригача сут ишлаб чиқариш имконини ҳам ўрганиб бордик. Бу борада олинган маълумотларни 16-жадвалда акс этирганмиз.

16-жадвал


Совлиқларни соғиб олиш сут миқдори (п-20)

Соғилган ойлар	Ўзбек гўшт-жундор совлиқлари иккинчи туғиш ёши				Ўзбек гўшт-жундор совлиқлари учинчи туғиш ёши				Ўзбек гўшт-жундор совлиқлари тўртинчи туғиш ёши			
	Соғилган сут миқдори (грамм)											
	1-дека да	2-дека да	3-дека да	Жами	1-дека да	2-дека да	3-дека да	Жами	1-дека да	2-дека да	3-дека да	Жами
Май	2000	3000	3850	8850	4000	5100	7590	16690	3500	4600	5720	13820
Июн	3500	3000	2500	9000	13600	12620	12120	38340	8310	9580	8150	26040
Июл	2000	1500	1100	4600	12250	11000	11297	34547	11000	9680	7634	28314
Жами:	7500	7500	7450	22450	29850	28720	31007	89577	22810	23860	21504	68174

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики май ойида иккинчи туғган ўзбек гўшт-жундор совлиқларидан 8850 грамм сут соғиб олинган, учинчи туғган совлиқлардан эса 16690грамм, тўртинчи туғган совлиқлардан эса 13820 грамм сут олинган.

Июн ойида бу кўрсаткич тегишли равишда 9000, 38340 ва 26040 граммни ташкил этган июл ойида назорат остида бўлган совлиқлардан тегишли равишда 4600, 34547 ва 28314 грамм сут соғилган.

Жами соғилган даврида иккинчи туғган ўзбек гўшт-жундор совлиқлари 22450 грамм сут бериши билан характерланади, бу кўрсаткич учинчи туғган ўзбек гўшт-жундор совлиқларида 89577 грамм ва тўртинчи туғган ўзбек гўшт-жундор совлиқларида эса 68174 граммни ташкил этган (5-расм).



Расм. 5. Совлиқларни соғиб олиш сут миқдори (n-20)

Сут бериш қобилияти бўйича учинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқлари юқори кўрсаткич билан характерланади, тўртинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқлари бунда оралиқ масофада бўлган иккинчи туққан ўзбек гўшт-жундор совлиқлари кам сут бериши характерланади.

Сут маҳсулдорлик хусусиятларини таҳлилидан келиб чиқиб такидлаймизки унга асраш, шароити, соғим даври ва совлиқларни зотдорлиги ва туғиш ёши ўз тасирини ўтказган, шунда энг юқори кўрсаткичлар июн ойига, энг кам кўрсаткич июл ойига тўғри келмоқда, май ойида эса совлиқларни сутдорлиги ўртача бўлган. Бу ҳосият яйловдаги ўсаётган ўтларга ва уларни вегетацияси ҳамда тўйимлиги билан боғланган деб ҳисоблаймиз.

3.5 Ўзбек гўшт-жундор қўйчилигидан маҳсулот ишлаб чиқаришини иқтисодий самарадорлиги.

Барча олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари иқтисодий самарадорлигини аниқланиши билан яқунланади. Бинобарин бу кўрсаткич олиб бориладиган ишнинг авзаллигини ёки зиён келтирилишини ифодалайди. Шу боисдан биз олиб борган ишимизни хўжаликда қўйларни урчитиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришини калкуляция қилиш усулида фойдаланиб унинг иқтисодий самарадорлигини ўрганишга ёндошдик ва бу тўғридаги маълумотлар 17-жадвалда ўз аксини топган.

17-жадвал

Ўзбек гўшт-жундор қўйларини урчилишини самарадорлиги

(бир бош қўй хисобига)

Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот турлари		
		Гўшт	Жун	Сут
Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	кг	31.07	3.65	60.07
1кг ишлаб чиқарилган маҳсулотни таннархи	сўм	7500	1800	800
1 кг ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотилиш нарҳи	сўм	9500	850	1200
Ялпи маҳсулотни таннарҳи	сўм	23302 5	6570	48056
Маҳсулот сотилишидан олинган ялпи даромад	сўм	29516 5	2920	72084
Олинган соф фойда	сўм	62140	-3600	24028
Рентабеллик даражаси	%	26.7	-	50.0

Хулоса

Олиб борган тадқиқот ишимиз ва ундаги олинган натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Хўжалик 2014 йилда жами бўлиб 3582 бош қўй мавжуд, шундан 2000 бошини, ёки 55.8 фоизини совлиқлар ташкил этган қолган (44.2 фоизини) турли жинс ва ёшдаги қўйларга тўғри келади.

2. Хўжаликдаги ўзбек гўшт-жундор қўйлар , экстерери йирик танаси мутаносиб ривожланган ва конституцияси бўйича мустаҳкам, қўпол, бўш, пишиқ ва нозик типлари киритилган. Хўжаликда қўйлар асосан тавар маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатилади ва наслий сифатига ажратилмаган.

3. Хўжаликда ажратиб боқилаётган қўйларнинг тирик вазни ва унинг ўзгариши уларни ёшига жинсига ва озикланишига боғлиқ бўлиб зоотехния услубида ўрганилди.

4. Янги туғилган кўзиларни тирик вазни уларнинг жинсига боғлиқ кўчқорлари 4.1 яркалари 4.1 кг. Оналаридан ажратиш даврида тегишли равишда 29.4 ва 27.2 кг биринчи қирқим ёшида эса 37.5 ва 31.2 кг бўлган.

5. Катта ёшдаги қўйларни вазни катта бўлиб кўчқорларда 60-70 кг, совлиқларда 50-60 кг, 9 ойлик ёшидаги кўчқорларида тегишли равишда 45-55 ва 37-42 кг бўлган.

6. Тирик вазни ўсиши эса зотига ҳос бўлиб ҳисобланади. (10-жадвал)

7. Қўйларни гўшт маҳсулдорлиги юқори бўлиб ҳисобланади сўйим вазни ёшига ва жинсига яраша 22.9-40.5 кг бўлади (11-жадвал)

8. Гўштлири яхши кўрсаткичлар билан характерланади кўчқорларда чиқими 67 фоиз совлиқларда 60.9 фоиз ахталанган кўчқорларда 62.3 ва 9 ойлик кўзи

кўчқорларида 58.2% ташкил этган.

9. Гўштлири семиз ва ёқимтой бўлиб асосий қисмини 80 фоизи 1-тоифага қолган 20 фоизи 2-тоифага ажратилган.

10. Жунни толасини узунлиги, йўғонлиги ва миқдори бўйича ўзбек гўшт-жундор қўйлари юқори кўрсаткичга эга бўлган. Жун толаси чиқими ва сифати асосан 50 ва 56 сифатга тенг бўлиб биринчи ва иккинчи классларга ажратилган.

11. Хўжаликда ўрганилаётган ўзбек гўшт-жундор қўйларидан 100 бош совлиқ хисобига 102 қўзи олинган ва уларни онасидан ажратиш даврига келганда 99.8 фоизи ёки 101 бош қўзи сақланиб қолган.

12. Тадқиқотдаги қўйлар юқори сут бериш қобилияти билан ифодаланади бунда иккинчи туғишдаги совлиқлар 22.45кг, учинчи туғишда эса 89.577 кг ва тўртинчи туғишда эса 68.174 кг сут берган.

13. Хўжаликда ўзбек гўшт-жундор қўйларини урчитиш натижасида гўшtdан олинган соффойда 62140сўм бўлган унинг рентабеллик даражаси эса 26.7 фоизни ташкил этган. Қўйлардан жун етиштиришда зиён кўрилган сутидан эса 24028 соффойда олиб 50 фоиз рентабеллик даражасига эришган.

Тавсия

Олиб борилган ишнинг асосидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришга қуйидаги тавсияларни беришим лозим.

1. Ўзбек гўшт-жундор қўйларини маҳсулдорлигини яхшилаш ва миқдорини оширишда танлаш, саралаш ва унинг таннархини пасайтириши ишларини олиб бориш тадбирларидан фойдаланган.

2. Ўзбек гўшт-жундор қўйчилигида 7-9 ойлик наслга яроқсиз қўзиларини яйловларда яйратиш семиртириш гўштга ишлатиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009.

2.Каримов И.А. шахсий ёрдамчиси деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш қонуни. Тошкент -2009.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг №476 30 октябр 2003 йилдаги қарори. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2004-2006 йилда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермерлар хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 308-сонли 23 март, 2006 йил.

5. “Фермер ва ширкат хўжалиқлари” тўғрисидаги қонунлар Тошкент-1997.

6.“Насилчилик тўғрисида” ги қонун. Тошкент 1995.

7.Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш. Тошкент 1995.

8.Абдиваитов Ш. “Мясо- сольной продуктивности каракульских овец” науч ТР СамСХИ то XIII. Вопросы Зоотехнии и Каракулеводства. Самарканд 1971.

9.Амиров А.К. “Некоторые данные о качестве мясо- сольной продуктивности каракульских, курдючных и помесных курдючных с карокульским» ТР УзНИИЖ –ВЫП.6. Ташкент 1961.

10.Асқаров Р., Джасимов Ф., Хусниддинов Ж. Думбали гўшт-ёғдор жайдари кўйчиликни урчитиш истиқболлари Кадрлар тайёрлаш тизимида аграр таълим Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Мавзусида академик А.И. Имомалиеванинг 75 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент 2006. 48 бет.

11.Асқаров Р., Джасимов Ф., Хусниддинов Ж. Жайдари ва ўзбек гўшт –жундор кўзиларини ривожланиш хусусиятлари Кадрлар тайёрлаш тизимида аграр таълим Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Академик А.И. Имомалиеванинг 75 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент 2006. 46 бет.

12.Бабодаева Л.М., Ходжибеков С. “Качество шерсти линейных овец

колхоза “Комуна” НИИНТИ Госплана УзССР -1977.

13.Богданов Е.А. основные принципы выращивания молодняка крупного рогатого скота. М. Сельхозгиз 1947 стр. 14.

14.Бальмонт В.А. “Выведение новой породы полугрубошерстных курующих овец. ТР казНИЖ т2. Алма –Ата1952.

15.Борисенко Е.Я., Разведение сельскохозяйственных животных. Москва1967

16.Бўйлов С.В. Методика учета и оценки мясной продуктивности овец. Тр. ВИЖ Дубровица 1972.

17.Васильев А.В. Акклиматизация мясных продуктов овец, Ж. «Зоотехния» «2-1951»

18.Васин Б.Н., Васин-Попов Е.Т. и другие « Руководство по каракулеводству» М.1971.

19.Воробьев П.А. « Содержание и кармливание овец» М. 1981

20.Грачев А.Н., Сафин Ф.Б., Молочная продуктивность маток» Ж. «Овцеводство» №2, 1982

21.Гузун А.А. «Молочная продуктивность месных цигайских овец» ТР Кишеневского с/х института Т.47, 1966.

22.Давидов С.Г. «Новая порода овец» Ж. «За рекон струкцию сельского хозяйства» Самарканд №4, 1960

23.Дейхмон Е.К., «Майин жунли кўйчилик», М.1937й.

24.Джасимов Ф.Ж. «Откормочные особенности и мясные качества овец пород каракульской и жайдары» Автореферат кандидатский диссертации. Ташкент. 1982.

25.Джасимов Ф.Ж. “Якка ва эгизак туғилган қоракўл кўйларини ўсиш ва ривожланиши”. Аграр Фан ва таълим долзарб муаммолари истиқболлари ривожланиши илмий-амалий халқаро конференция. Тошкент 2004.

26.Джасимов Ф.Х. “Фермер хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик ўзаро оптимал боғланишлиги ҳамда маҳсулотлар етиштириш жадаллаштиришининг илмий ва Амалий асослари” Ўзбекистон Аграр Фан хабарномаси. Тошкент 2005.

27.Джасимов Ф., Насиров У.Н., Кахрамонов Б.А., Чорвачиликда ва

паррандачиликда илмий тадқиқот усуллари ва натижаларини статистик тахлили.
Марузалар матни. Тошкент 2003.

28.Дмитриев Н.П. “Қўйларни сутдорлиги ва унинг тўйимлиги”
Пятигорек-1940.

29.Дрозденко А. «Выбор интенсивной системы кормления на откормочной
для производства бананины». Реферат Ж.Овцеводства1990.

30.Зденицкий С.Е. “Сирдарё вилоятини чорвачилиги”. “Туркистан” қишлоқ
хўжалиги журнали. Тошкент 1915.

31.Иванов М.Ф. Овцеводство М. 1992

32.Иванов М.Ф. “Дурагай қўйларни эмбрионал ва эмизиклик даврларидаги
ривожланиши” Илмий ишлар тўплами 1-том Москва 1949.

33.Иллялетдинов Е.Н. «Удой и состав молока кроссбридных моток от разных
вариантов скрещивания» (Алма-Ата)”2” 1968

34.Ильев Ф.В. «О молочной продуктивности овец» (из опыта зарубежных
стран) ТР Кишиневского с/х института. Т.47, 1966.

35.Йўлдашев А.А. “Паркент гўшт-жундор қўйларини насли сифати”. к/х фан
номзодлик диссертациясини автореферати, Тошкент 1967.

36.Кияткин П.Ф. Процесс пороодообразования Т-164.

37.Кучиев П.В. 1986

38.Кулешов П.Н. Қўйчилик М. 1925

39.Куку Х.Э. “Ўзбекистон Республикаси қир минтақаларида урчитилаётган
турли келиб чиқишига мансуб гўшт-жундор қўйларнинг маҳсулдорлик ва базан
биологик хусусиятлари”. к/х фан номзодлик диссертациясини автореферати,
Тошкент 1981.

40.Кузнецов Н.А. «Мясной качества Туркменской курдючный породы

41.Концепольский А.С. “Зотларни келиб чиқиши”, Тошкент 1969.

42.овец. Т.Р. Туркменский СХИ. Том.5 1947.

43.Литовченко Г.Р.. Есеулов П.А. «ОвцеводствО» Т.І. М. 11972.

44.Мамедов А. “Молочная продуктивность каракульских овец совхоза имени
Амангельдқ фаришского района Джизакской области” Дипломная работа.
Ташкент 1987.

45. Мамедов И.Г. “Наш опкт дояния тонкоруннкх овец” “Овцеводство” №3 -1969
46. Методика убоя овец Дубровцы 1972
47. Методика определения качества шерсти. Дубровцы 1972
48. Методика учета упитанности овец Гост 5111-55 ВИЖ Дубровица 1972
49. Нежлученко Т.И. «Влияние сроков отбивки на рост и развитие аскониской тонкорунной породы овец» М. 1985.
50. Николаев А.Н., Ерохин А.Н., «Овцеводство», М. 1987.
51. Огорокова Е, Ермина Ю.Н. Химический состав мяса и его питательная ценность «Гигиена питания Медгиз» М. 1973
52. Петров В.А. «Молочность каракльских овец и опыт переработки молока» «За реконструкцию сельского хозяйства» УзССР 1930.
53. Рахимов Ш.Д. «Каракулеводство один из резервов производства молока» «Овцеводство», №3, 1964.
54. Рахимов Ю.Р. «Мясо шерстяны овцы Узбекистана» Ташкент 1960.
55. Радионов В.А. «Эффективность зимних сроков ягнения овец» в книге Проблемы зимних сроков ягнения овец. Москва 1984
56. Рухекиян А.Л. «Маҳаллий кўй зотларини сут маҳсулдорлиги» Ереван 1930
57. Селянин Т.И. «Прогнозирование продуктивных свойств овец породы прекос. Межвузовски сб. на. трудов 1987
58. Смирнов В.Я. «Молочная продуктивность овец рамановский породы», ТР: По вопросам кормодобывания и овцеводства. Вып. III. 1958
59. Стакон Н.А. Мясная, куруугная Овца джайдара. Ташкент 1945.
60. Сон Я. П., Хайдаров М.Х., Урицкий В.Я., «Гўшт-жундор кўйларни самарадорлиги ва сўйилиш ёшини аниқлаш», Ж. «Овцеводство», №11, 1970.
61. Стандарты на овечью шерсть ГОСТ 7939-79
62. Тапильский И.А. «Ўзбек гўшт-жундор кўйлари» Тошкент 1974.
63. Тапильский И.А., Жердев Б.В. «Ўзбекистонга четдан келтирилган кўчқорларни шароитга мослашишини ўрганиш» Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини биохимияси ва физиологияси бўйича бутун иттифоқ анжумани. Тезис докладов. Тошкент -1959

64. Урицкий В.Я., Сон Я.П. «Гўшт –жундор қўчқорларни сотилиш ёшини аниқлаш» «Журнал Қўйчилик» 1970. №10

65. Херасков С.Г. «Химический состав и физические свойства молока каракульской овцы» Тр Узбекского государственного сельско хозяйственного института. Ташкент Самарканд-1940.

66. Ходжибеков С.С. Продуктивность мясо-шерстных овец паркенского типа при ягнении в зимний и весенний периоды. Автореферат кандидатской диссертации Ташкент 1992.

67. Щукин Б.Н. «Влияние возраста отема ягнят тонкорунных овец на некоторые воспроизводительные способности маток», «Пути повышения продуктивности свиные и овец» 1987.

68. Юдин Ю.Н., Родин В.П. «Овцеводство с основами промышленной технологий» М. 1983

69. Юлдашев А.А. Перепелицина Н.С., Бободеева Л.М. Качество шерсти Узбекистанских мясо-шерстных овец желательного типа Тр УзНИИЖ Т26 Т1972г

70. Shresther J.A. «Влияние породы даты ягнения возраста и живой массы на примере тонкорунные ягнят. Реферат журнал овцеводство. 1987№1.

71. Jianotti D. Lenflunza della temperature. Brit. Agric. Bull 1953, V.6, № 28. P.212

72. Cllbata M., Mykai A. Die wirt schattliche Badentung des wasserbiffels. Jnang Diss. Honnover, 1979, p.147

73. VEEPRO.NL /VEEPRO MAGAZINE fevral-2005.3-10-11 бетлар VEEPRO HOLLAND p.o/ BOX. 454.6800. AL ALHARM.